



# MILLIY TIKLANISH

39 (308) 2014 йил 8 октябрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Бугун Термизда бўлган киши шаҳарнинг тамомила янги, замонавий қиёфасини, шакл ва мазмун уйғунлигини, аҳоли фаровонлиги учун яратилаётган имкониятларни кўриб, беихтиёр хайратга тушади, истиқдолнинг нақадар улугъ неъмат, буюк имконият эканини дилдан ҳис этади



Пахтачи туман тиббиёт бирлашмасида "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида аниқ режа ишлаб чиқилиб, она ва бола саломатлигини сақлаш, соғлом фарзандни тарбиялаш борасида дастурий ишлар олиб борилмоқда



Мамлакатимиз ўзининг бой тарихи, жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, бир неча минг йиллик тарихий-маданий ёдгорликлари, буюк алломалари ва меҳмон дўстлиги билан дунё ҳамжамиятини ўзига қаратиб келмоқда



## 5 МАЪНАВИЯТ

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, маш-фулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.**

**"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, 3-модда.**

## 6 ЖАРАЁН

Хотин-қизлар анжумани



## Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи

сайлов жараёнида улар салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга



ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда шаҳар ижтимоий ёрдам "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти ҳамкорлигида "Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи" шiori остида минтақавий хотин-қизлар анжумани ўтказилди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия "Аёллар қаноти" етакчилари, халқ амалий санъати усталари, ҳунармандлар, тадбиркор аёллар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кун хотин-қизларнинг етакчилик сифатлари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кечаги кундан тубдан фарқ қилади. Буни жамиятимизнинг барча йўналишларида самарали меҳнат қилаётган ташаббускор ва фаол хотин-қизлар фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, ташаббускорлигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни беқиёс. Айни пайтда ЎзМТДП аъзоларининг қарийб эллик фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этади.

3-бет

## 8 КЎЗГУ

Муносабат

## Маданий-маърифий туризм

соҳанинг энг муҳим кўринишларидан бирига айланмоқда

Маълумки, жорий йил 1-3 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимидаги Давлатимиз раҳбарининг матбузаси тадбир иштирокчилари ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Жаҳоннинг 40 дан ортық мамлакатларидан келган мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этган нуфузли анжуманининг мамлакатимизда ўтказилиши дунёнинг тинчлик, осойишталик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Маърузада таъкидланганидек, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд ўзининг тарихий аҳамияти, меъморий ёдгорликлари ҳамда бугунги қиёфаси билан туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортмоқда. Инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилган, Шарқнинг тамаддун бешикларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрида яна бир муҳим анжуманининг ўтказилгани барчага бирдек гуруру ва ифтихор бахш этди.

Эътироф эттиш жоиз, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида туризмини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли изчил ислохотлар соҳанинг янада тараққий этишига замин бўлмоқда. Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларнинг кўлами бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланиб, юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмаси мустаҳкамланди, малакали кадрлар тайёрлаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражаси юксалди, меъ-

морий обидаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбари халқаро туризмнинг аҳамияти тўғрисида фикр билдириб, туризм иқтисодий савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш, саёҳат қилиш билан биргаликда халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари билан танишиш, уларни ўрганиш имкониятини яратишига алоҳида эътибор қаратди. Бу, ўз навбатида, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода маданий-маърифий туризм сайёҳлик соҳасининг энг муҳим кадрларидан бирига айлангани ва ўзбек халқининг бағрикенглик фазилатлари алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Юртошимиз ўз маърузасида туризмин ривожлантиришнинг еттига омилга тўхталиб, унинг халқаро, экологик, табиий-маданий, тиббий ва бошқа замонавий турларини, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, буюк Ипак йўли брендини тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

2-бет

## Сайлов — 2014

## ЎзМТДП сайловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим қилди

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар жорий йилнинг 21 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиш учун амалдаги қонунчиликка биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар тўпламини топширишлари зарур эди.

Бунга кўра, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингга имзоси бўлган имзо варақалари тақдим этилиши, мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони саккиз фоиздан ошмаслиги лозим. Айни кунларда мазкур жараён якунланди.

3 октябрь кунин Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партия-

си Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссиясида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини давом эттирмоқда. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари, шунингдек, аҳоли-

ни ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор. Бу жараёнда ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам бевосита иштирок этмоқда. Марказий сайлов комиссияси ушбу ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сиёсий партиялар учун муҳим синов деб ҳисобланадиган имзо тўплаш жараёни муайян даражада партиянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, аҳоли орасидаги нуфузини ҳам белгилайди. Партияимизга ишонч ва хайрихоҳлик билдирилиб қўйилган ҳар бир имзо ЎзМТДПнинг сайловдаги муносиб иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

## Сарҳисоб

## Депутатнинг беш йиллик фаолияти

партия мақсадлари ва электорат манфаатларини ифода этади

4-бет



## Қонун имзоланди

Кучли ва очик фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида "Учинчи сектор" дея эътироф этилаётган нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан самарали ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

## Фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий шериклик:

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

4-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# Маданий-маърифий туризм

соҳанинг энг муҳим кўринишларидан бирига айланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга, аҳолини, айниқса, ёшларни тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, миллий гуруҳ, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга кўмаклашганини муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. Шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳудудлардаги маданий мерос объектларининг муҳофазаси этилишига кўмаклашиш масалалари партияимиздан сайланган халқ

вакиллариининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳаққоний тарихи, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар ҳамда мустакиллик иншоотлари тўғрисида ишончли маълумотларини чет эллик сайёҳларга етказишда гид ва экскурсоводларнинг билими ва маданияти муҳим ўрин тутаяди. Шу маънода, партияимиз соҳага оид малакали мутахассислар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор билан ёндашади.

Мухтасар айтганда, туризм мамлакатимиз иқтисодиёти ва маънавий-маърифий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Бу Самарқандда бўлиб ўтган халқро аянжуман доирасида яна бир бор ўз исботини топди.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

## Юксак эътибор ва эҳтиром



**Давлатимиз раҳбарининг 1 октябрь - Ҳаётининг ва мураббийлар кунини муносабати билан соҳа вакилларига, бутун халқимизга йўллаган таълимни тинглаб, мамлакатимизда таълим соҳасида ҳамда устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлашга бўлган эътибордан яна бир қарра фахрликдир. Таълимда ўсиб келаётган ёш авлодга билим бериш, илм-фан сирларини ўргатиш, уларни муносиб ворислар этиб тарбиялашда ўтган даврда амалга оширилган ишлар ва олдимизда турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.**

Дарҳақиқат, мустакилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда шахснинг энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири — таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Улар асосида ҳамда миллий ва халқро таълим таърибаси эътиборга олинган ҳолда таълим-тарбия соҳасининг яхлит ўзгариш тизими шакллантирилиб, таълим тизимининг миллий модели яратилди. Бу халқро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фарзандларимиз давлат таълим стандартлари асосида замонавий билимларга эга бўлиб ўлаётган. Чет тилларини ўргатиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани, энг замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйлаётгани ўқувчиларнинг интеллектуал қобилияти янада юксалиши, фан олимпиадаларида катта ютуқларга эришишларида муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, техник ижодиёт, Баркамол авлод марказлари ташкил этилиб, болаларнинг мактабдан ташқари билим олиши ва спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилаётган. Таълим тизими барча бўғинларининг узвийлиги ёш авлоднинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилиш билан бирга юксак маънавийлик, жиҳсонан баркамол, Ватанга садоқатли фарзандлар бўлиб етишишига, ўзигини

англаши, тарихий ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаётганини инсонлар бўлиб тарбияланишида алоҳида аҳамият касб этаётган.

Албатта, мана шундай улғ, олижаноб ишларни амалга оширишда, ёшларнинг юксак марраларни эгаллашларида ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатларининг ўрни беқийс. Мамлакатимизда уларнинг меҳнати муносиб қадрланиб, таълим вакиллари давлатимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланмоқда. Таълим ходимларининг ҳар жиҳатдан мунтазам рағбатлантириб борилиши соҳа жонқурлари меҳнатига берилаётган эътибор намунасидир. Ҳаётининг ва мураббийлар илм-фан ва педагогик фаолиятининг энг сўнгги ютуқлари билан танишиб, ўз билимларини муштаҳамлашлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, улар доимий равишда малакаларини ошириб борадилар. Соҳа вакиллариининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши, фаолиятларига ижодий ёндашишлари кўлаб-қувватлаш мақсадида "Йилнинг энг фаол ўқитувчиси", "Энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши дарслиги" каби танловлар ташкил этилди.

Ўрни келганда эътироф этиш керакки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари Платформасида партия халқ таълими тизимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принциплари эканлиги амал қилиши, фан соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий зиёлиларини бундан буён ҳам кўлаб-қувватлаш масалаларини тартибга солиш учун ҳужжатларни ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига кўмаклашиши устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партияимиз вакиллари соҳа ривожига кўмаклашишга интилади. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан мактабга таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган парламент эшитувининг ташкил этилигани соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий, моддий ва кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада яхшилашга хизмат қилади.

**Урал ХАЙТОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси,  
**Шахноза ХАЛИЛОВА,**  
педагогика фанлари доктори, профессор,  
ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси

### Тадбир

## Журналист маҳорати

қонунлар мазмун-моҳиятини ёритишда долзарб аҳамиятга эга

**Мамлакатимизда эркин демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар асосини қонуний жиҳатдан муштаҳамлаб боришда жамоатчилик назоратини кучайтириш, қонунлар ижросини таъминлаш муҳим ўрин тутаяди. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг имкониятидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати томонидан ташкил қилинган навбатдаги йиғилиш ҳам айна шу мавзуга бағишланди.**

Унда қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, мазмун-моҳиятини жамоатчиликка содда, тушунарли тарзда етказиш ва бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, журналистларнинг касб маҳорати, тили ҳамда услубини янада яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Йиғилишда эътироф этилгандек, бугунги кунда кўпгина оммавий ахборот воситаларида қонунлар тарғибига бағишланган махсус рунлар, телекўрсатув ва видеороликлар, радиоэшитиришлар намойиш этилмоқда. Уларнинг аксария-

тида мутахассислар ёндашуви билан бирга журналистнинг кучли вакили, фикр-мулоҳазалари ва қарашлари акс этаётган. Президентимиз томонидан имзоланиб, кучга кирган қонунларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоялаш йўлидаги мақсади, мазмун-моҳияти, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳусусида фикр юритилиб, кенг маълумот берилмоқда. Жумладан, пенсия таъминоти, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, силга қарши мажбурий даволлаш тартибининг жорий этилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолиятининг очиқлиги каби қатор қонун ҳужжатларига бағишланган кўлаб материаллар аҳолининг сиёсий онгини янада юксалтиришда муҳим омили бўлаётган.

Самимий мулоқот, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган йиғилишда маърузачилар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан янада тараққий этишига хизмат қилувчи бир қанча янги қонунлар ишлаб чиқилиганини эътироф этиб, улар тарғиботида ОАВ вакиллари янада фаолликка чорлади. Ўз навбатида, бу борада депутатлардан ҳам алоҳида маъсулият талаб қилиниши таъкидланиб, қонунлар ижроси билан боғлиқ назорат-таҳлил материалларини ёритишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ахборот шаклидаги аъён-навий усуллардан кўра, янги, таҳлилий ёндашувни қучайтириш зарурлиги айтилди. Мухо-кама қилинган масалалар таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз муҳбиримиз**

### Ҳуқуқ ва бурч

**— Фуқаролар ўзи хоҳлаган ва муносиб кўрган инсонни депутатликка номзод сифатида кўрсата оладими? Бунинг учун кимга, қаерга мурожаат қилиш керак?**

**Жаҳонгир Исроилов,**  
Фарғона вилояти Бешарик тумани

— Хабарингиз бор, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби бекор қилинган эди.

Ҳозирда амалдаги қонунларимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига эса сиёсий партиялар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганда бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганда тугайди. Депутатликка номзодларга қўйиладиган чекловлар Қонуннинг 25-моддасида белгиланган.

Қонунга биноан, депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар. Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади. Шу боис ушбу масалада тўлиқ маълумот олиш учун сиёсий партияларнинг худудий ташкилотларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**— Сайлов қонунчилигини бузганлик учун қандай жазо кўлланилиши мумкин?**

**Шокир Жалолов,**  
Самарқанд вилояти Иштихон тумани

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда қонунийлик принципи

### Съезддан ҳэзедгача

**Бугун мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партияларро рақобат кучайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир партия ўз мафкураси ва гоясини янги қарашлар билан бойитиши, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиб, сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан муштаҳам ўрин эгаллашга интилиши табиий. Бу эса сайловлар жараёнида янги босқичга кўтарилиши шубҳасиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, дастурий мақсад ва вазифаларни, сайловларди Платформасида илгари суриган гояларни амалга оширишга бор куч ва имкониятини сафарбар этмоқда.**

Партия томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кенг жамоатчиликка етиб борсагина, унинг хайрихоҳлари, тарафдорлари кўпайиши барчамизга аён. Бу жараёнда партиянинг жамоатчилик билан алоқалари ва оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдалана олиши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари қатори оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Айни кунда юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробарга кўпайгани, нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, аъён-навий ахборот тизимлари билан бирга интернет журналистикасининг ҳам ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб бораётгани фикримизнинг яққол далили бўла олади. Мамлакатимизда мавжуд медиамакон имкониятларидан ЎзМТДП гояси ва дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилишда самарали фойдаланиш партия фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади. Бу муҳим вазифа ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими зиммасига юкланган.

— Партияимиз дастури ва сайловди Платформасида оммавий ахборот воситаларининг муштаҳамлиги ва эркинлигини таъминлашга кўмаклашиши, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини янада кучайтириш вазифаси белгиланган, — дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Жамоатчилик билан алоқалар ва Оммавий ахборот воситалари бўлими бошлиғи Шокир Жалолов. — Шунингдек, журналист кадрларни тайёрлаш, миллий журналистика мактаби-

## Ғоялар тарғиботи ва электорат ишончи

партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигида намоён бўлади

ни ривожлантириш, ахборот маконидан соғлом рақобатни, давлат ва шахснинг ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида оммавий ахборот воситалари моддий-техника базасини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳам ЎзМТДПнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Мазкур дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, ҳаётга таъбиқ этиш борасида партияимиз саъй-ҳаракатлари ҳақида гапирганда, оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш бориш, турли танловлар ўтказиш борасидаги амалий ишларимизни мисол тариқасида келтириш мумкин. Республикаимиз оммавий ахборот воситаларида, партияимиз веб сайти ва "Миллий тикланиш" газетасининг матбуот ва интернет нашрида ЎзМТДП фаолиятини ёритувчи таҳлилий материаллар сони ва сифатини ошириб боришга ҳаракат қилаёмиз. Партияимизнинг асосий тарғиботи "Миллий тикланиш" газетаси ва mt.uz сайтида ЎзМТДПнинг гоя ва вазифалари бўйича кўлаб таҳлилий материаллар эълон қилинмоқда. Жумладан, ЎзМТДП фракцияси фаолияти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг сессияларга киритаётган масалаларига бағишланган мақолалар сони кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, дастурий мақсадлар ва гояси ЎзМТДПга яқин бўлган ҳоржий сиёсий партиялар тарихи, иш таърибаси, мақсадлари ҳақида ҳамда чет эл парламентлари тўғрисидаги мақолалар ўз ўқувчиларини топиб улгурди, десак хато бўлмайди.

ЎзМТДП гоялари, дастурий мақсадлари, сайловди Платформасида белгиланган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказишда партия худудий Кенгашларининг ахборот хизматлари, яъни жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш йўналиши ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. ЎзМТДП худудий Кенгашлари ахборот хизматининг ҳар бир ходими партия томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни худудий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш билан бирга, марказий нашрларда, партиянинг интернетдаги сайти-мақолада ҳам ўз материаллари билан мунтазам иштирок этаётдилар.

Партияимизнинг ўтган съездидан жорий йилги съездгача бўлган даврда партиянинг ОАВ билан ишлаш борасидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, қилишлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсиб бораётганини қўриқтириш мумкин. Хусусан, 2010 йилда республика оммавий ахборот воситаларида партия фаолияти ёритилган материаллар сони 2163 тани ташкил этган

бирламчи талаблардан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жинойий жавобгарлик турлари муштаҳамланган.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги V-1 боб киритилиб, "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" белгиланди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашуши (51-2-модда), уларнинг қарорларини ижро этмаслик (51-3-модда), номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51-4-модда), сайловди ташвиқоти, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибининг бузиш (51-5-модда), номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш (51-6-модда), сайловга ёки референдумга тайёргарлик қилиш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш (51-7-модда), сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибининг бузиш (51-8-модда), жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибининг бузиш (51-9-модда) каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146- ва 147-моддалари бўйича фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишга, референдумда қатнашишга, сайловди ташвиқоти жараёнида куч ишлатиш, алдов, қўрқитиш ёки бошқа йўллар билан тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, атайлаб овозларни нотўғри ҳисоблаш, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг бузилишига йўл қўйганлик учун жинойий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

**Саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.**

жойлардаги партия ташкилотлари фаолияти, электорат манфаатларига қаратилган партиявий мавзулардаги мақолалар чоп этилди.

Партия сайтида (mt.uz) партия куйи бўғини етакчилардан тортиб, маҳаллий ва худудий ташкилотлар фаоллари, партия гуруҳлари аъзолари, партия вилоят Кенгашлари раҳбарлари ҳамда партия Марказий Кенгаши ва фракция аъзоларининг ҳам чиқишлари ташкил этилди. Тадбирлардан мунтазам фотолар ҳам бериб борилди. Партия фаолиятиндан ташқари, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим аҳамиятга молик жараёнлар ҳам ёритилди. Хусусан, mt.uz сайтида янги "Халқро таъриба" рухни ташкил этилиб, ўзбек ва рус тилларида ривожланган хориж мамлакатлари парламентлари, сиёсий партиялари фаолияти борасидаги таҳлилий мақолалар ҳам ёритилди, — дейди суҳбатдошимиз.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимда ҳавфсиз, ҳимояланган ахборот алмашилувини йўлга қўйиш мақсадида, партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари "Е-ҳўжат" дастури доирасида ягона ахборот тизими яратилиб, маълумотлар базаси — серверга уланди. Натижда, "Е-ҳўжат" дастурида ахборот алмашинув доирасидаги барча ҳужжатлар марказий серверда сақланиши ва тўпланишига эришилди. Шунингдек, дастур орқали маълумотнинг оммавий ахборот воситаларида акс этишида намоён бўлиб бормоқда.

— ЎзМТДП Ахборот хизмати жорий йилда ҳам "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия фаолиятини маҳаллий ва марказий теле ва радиоканаллар, матбуот нашрлари ҳамда интернет сайтлар орқали ёритиш ва партиянинг ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларини янги босқичга кўтариш каби йўналишларда иш олиб борди, — дейди ЎзМТДП Ахборот хизмати ходими Акбар Жиянов. — "Миллий тикланиш" газетасида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини ёритиш, миллий тикланиш юзасидан 2014 йилнинг шу даврига қадар 400 га яқин материал эълон қилинди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари, партия гуруҳлари, фракция фаолияти, фракция аъзоларининг чиқишлари ва парламент ҳаёти,

**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
"Milliy tiklanish" муҳбири

# Партия ҳаёти

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

© Хотин-қизлар анжумани

## Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи

сайлов жараёнида улар салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга



Нилолидин БОЗОРДОВ оқсон сурунлар



сингари партия дастурий мақсадлари ижросида, шунингдек, сайлов маданиятини юксалтириш ҳамда ЎзМТДП тарафдорлари, хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришдан иборатдир. Бугунги анжуман ҳам хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш

ларига етказиш, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий етуқлигини ошириш, сайлов маданиятини юксалтириш ҳамда ЎзМТДП тарафдорлари, хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришдан иборатдир. Бугунги анжуман ҳам хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш

Эътироф этиш жоизки, истиқлол анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, уларни замон талаблари асосида бойи-

тиш ва ривожлантириш, ўзлгимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадимизни амалга ошириш имконини берди. Шу боис мустақилликни асраш, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, фарзандларимизни ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ватанпарварлик, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлик ҳамда келажакка юксак ишонч руҳида тарбиялашда хотин-қизларнинг ўрни бекиқис. ЎзМТДП ташаббуси билан оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилалар-

нинг мустақамлигини таъминлаш, шахнинг шаклланишида оиланинг ўрни бекиқис эканлигини келиб чиқиб, оилавий кадрларни янада мустақамлаш гоёсини тарғиб қилишга кўмаклашиш мақсадида хотин-қизлар ўртасида "Мустақам оила — ёруғ келажак гарови" шiori остида мақола тарғиб қилишга ўтказилмоқда. Жорий йилда партия Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш сингари партия сайловли Дастур формасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Соғлом оила — соғлом бола", "Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, "Нафосат олами", "Миллий тикланиш соврини учун" мавзусида ўтказилган спорт мусобақалари жамиятда ўсмир қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва уларни спортга кенг жалб қилишга қаратилмоқда.

Тадбирда ЎзМТДП шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Василла Файзиева ҳамда партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлиб бошлиғи Ханифа Зокирова сўзга чиқиб, истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва ну-

фузини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ташаббусларини рағбатлантириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётгани, ана шу гамжурликка жаваб аёллар барча соҳаларда самарали меҳнат қилиш, юртимизни тараққий эттириш, халқ фаровонлигини оширишга муносиб улуш қўшаётганини эътироф этди. Шунингдек, ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, бу каби тадбирлар орқали турли соҳаларда ижод ва меҳнат қилаётган истеъдод эгалари, фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод намуналарини намойиш этиш, миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликка кенг жалб қилиш орқали азаматлиқ қадриятларимиз бардавонлигини таъминлашга

кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганини кайд этди.

Анжуманда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда Тошкент шаҳар ижтимоий ёрдам "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Яқунда иқтидорли ва зукко хотин-қизлар, истеъдодли ёшлар томонидан миллий қадрият ва анъаналаримиз, маросимларимиз акс эттирилган саҳна кўринишлари, кўргазмалар намойиш этилди. Тадбир эл суйган санъаткорлар томонидан ижро этилган Ватан, истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқларга улашиб кетди. Фаол хотин-қизлар ҳамда истеъдодли ёшлар партия шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Қамола ТОШПҲЛОВА,**  
ЎзМТДП Тошкент шаҳар "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда ўзбек аёли жамият ҳаётининг барча тармоқларида, илм-фан, тадбиркорлик, санъат, спорт, хунармандчилик, қўйинги, барча соҳаларда муваффақиятларга эришаётганига барчамиз шохид бўляймиз. Бугунги анжуманда бўлажак сайловга қадар жойларда хотин-қизлар билан ўтказилган тадбирларда уларнинг сайлов қонуночилиги ва сайлов бора-сидаги сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратишимиз, бу борадаги ишларимизни мазмун жиҳатидан бойитишимиз, интерфаол усул ва замонавий технологиялардан фойдаланишимиз зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар, тақлифлар илгари сурилди.

**Лайлохон МУҲИТДИНОВА,**  
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши девони етакчи мутахассиси

© Давра суҳбати

## Партиянинг ижтимоий қатлами ва электорати

шаклланган сайловларда муносиб иштирок этишнинг асосий омилли эканлиги хусусида худудий Кенгашлар етакчилари билан мулоқот

**Сайловли кампанияси тобора қизгин тус олмақда. Бу жараён сиёсий партиялар учун фаолиятини сарҳисоб қилиш, халқ ибораси билан айтганда, "галвирни сувдан кўтариш" палласи ҳисобланади. Ҳўш, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси муҳим синовларга қандай қириб бормоқда? Партиянинг сайловларга тайёргарлиги, сайловли кампаниясини самарали ташкил этиш хусусидаги давра суҳбатимиз иштирокчилари ЎзМТДП Навоий, Хоразм ва Андижон вилоят Кенгашлари Ижроия Кўмитаси раислари бўлди.**

— Бу йилги сайлов жараёни қизгин кечиши, ўтган сайловлардан тубдан фарқ қилиши, бугунги сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши юксаклиги барчамизга аён ҳақиқат. Утган сайлов хулосалари ва қутилётган натижалар ҳақида нима дея оласиз?

**Лочин ОБЛОҚУЛОВ,**  
ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:  
— Бу йилги сайлов олдингиларидан тубдан фарқ қилиши шубҳасиз. Чунки сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда. Буни имзо тўплаш жараёни яна бир бор кўрсатиб берди. Партияимиз ўзининг аниқ ижтимоий қатлами ва электоратига эгаллиги имзо тўплаш жараёнида осонлаштирди. Таъкидлаш керакки, бу жараёнда туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги бошланғич партия ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатишди. Аиниқса, чекка қишлоқ ва овуларда, маҳалларда йиғилган имзоларда партия фаоллари, зиёлилар, хунармандлар иштирок этаётгани қувонарли ҳол. Бу, ўз навбатида сайловчиларнинг партияимизга бўлган ишончидан далолат беради. Сайловчиларнинг ишончи бевоисита ўтган сайловда галаба қозонган депутатларимизнинг электорат олдидан берган ваъдалари устидан чиққани билан ҳам боғлиқ. Жорий йилнинг ўзида маҳаллий Кенгашлар сессияларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ бўлган 10 га яқин ташаббус-масала киритилиб, Кенгаш қарорлари қабул қилинди. Жумладан, халқ депутатлари Навоҳор туман Кенгашига 3 марта, халқ депутатлари Қизилтепа ва Учқудуқ туман Кенгашларига 2

мартдан, халқ депутатлари Навоий шаҳар ва Нурота туман Кенгашларига эса 1 мартдан, жами 9 та ташаббус-масала сессия кун тартибига олиб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўтган беш йил давомида таъсирчан ва самарали тадбирлар ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Буни биргина 2014 йил мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, "Соғлом бола йили" муносабати билан 500 нафардан зиёд ёшларни бирлаштирган "Қалбимда улуглай, сени Ватаним!" мавзусида улуғ форуми, "Озод юртининг обод гўшаси" мавзусида ёшлар акцияси, жорий йил 13-14 август кунлари "Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонуночилигини ривожлантириш" мавзусида республика амалий семинари, Президентимизнинг Давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида ёшлар фестивалининг кўтаринки руҳда ўтказилганлиги фикримизга ёрқин мисолдир. Мазкур тадбирлар аҳоли орасида партияимиз тарафдорлари сонини кўпайтирганига шубҳа йўқ.

— **Электоратимиз, хайрихоҳларимиз, бизнинг гоё, мақсадларимиз ва берган ваъдаларимизга ишониб, ортимиздан эргашган фуқаролар партияимиздан, энг аввало, депутатларимиздан амалий ишларни қуттишга ҳақли...**

**Баходир БОБОЖОНОВ,**  
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:  
— Жорий йилги парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарилиб, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётган даврга тўғри келаётган. Сўнгги икки-уч йил ичида вилоятимизда амалга оширилган ишларга ҳам бир қур назар ташлайдиган бўлсак, воҳамиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унлаб саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, таълим муассасалари фаолият бошлади. Бундан ташқари, вилоят ва туман марказларида обод гўшалар барпо этилиб, аҳолининг энг сеvimли масканларига айлантирилди. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, халқ фаровонлиги йўлида олиб бориладиган

ишларнинг изчил давом этишида ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар халқимиз қалбига ободлик гоёлари, ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқур синдириш билан бир қаторда аҳолининг турмуш даражасини, муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилишда ҳам етакчи куч саналади. Электоратимиз, хайрихоҳларимиз, бизнинг гоё, мақсадларимиз ва берган ваъдаларимизга ишониб, ортимиздан эргашган фуқаролар партияимиздан, энг аввало, депутатларимиздан амалий ишларни қуттишга ҳақли.

Айтиш керакки, бугунги кунда вилоятимизда 3 та олийгоҳ, Маъмун Академияси, 96 та коллеж ва лицей, ахборот-ресурс марказлари халққа билим, илму-зиё тарқатмоқда. Пировардида, воҳамиз ёшларининг илмий салоҳияти юксалиб, республика миқёсидаги фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб қайтишмоқда. Шу ўринда вилоятимизда илму-маърифат ва маънавий кадрларни юксалтириш партияимизнинг, жумладан, депутатларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлашни истардим. Зеро, зиёлилар қатлами қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш партияимизнинг устувор вазифаларидан бири саналади.

Бугунги кунда ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгашидан сайланган 2 нафар Олий Кенгашидан Қонуночилик палатаси, 13 нафар халқ депутатлари Хоразм вилоят, 52 нафар туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари фаолият кўрсатмоқда. Улар партияимиз сайловли Дастури ижросини таъминлаб, қўллаб масалаларнинг ижобий ечим топиши ва худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Депутатларимиз шаҳару қишлоқларни ободонлаштиришга, болалар майдончалари қурилишига, коммунал соҳалар муаммоларини ҳал қилишга, бандлик масалаларида, миллий хунармандчиликни ривожлантиришда, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва самардорлиги оширилишига, таълим-тарбия жараёнида кучайтиришга яқин кўмакчи бўлишмоқда.

— **Сайловдан сайловгача бўлган вақт оралигида электорат партия фаолияти борасида ўз хулосаларини чиқариши тайин. Бу даврда партияимиз хайрихоҳлари сафининг кенгайгани келгуси муваффақиятларнинг муҳим омилли эмасми?**

**Комилжон ОТАХОНОВ,**  
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:  
— Сайловдан сайловгача бўлган вақт

оралигида партиянинг ўз электорати билан ишлаши алоҳида аҳамиятга эга. Фуқаролар сиёсий партия фаолияти билан танишар экан, энг аввало, унинг қайси ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиши, бу борада амалга оширган ишлари билан қизиқиб, партияга у ёки бу даражада хайрихоҳлик билдиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши ҳам партия электорати билан ишлашнинг энг самарали усуллари билан фойдаланишга, бошқача айтганда, электорат билан ёнма-ён, қадам-қадам ишлашга ҳаракат қилди. Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ҳаёти ва фаолиятининг ажралмас қисми деб билувчи, олимму зиёлилар, хунарманд оилавий тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, маданият ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш партияимизнинг диққат эътиборида бўлди.

Хусусан, асосий электоратимиз ҳисобланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хунармандлар фаолиятини имтиёзли кредитлашга қаратилган лойиҳа доирасида 20 нафарга яқин хунармандга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашишнинг электорат манфаатларига қаратилган тадбирлардан биридир. Эндиликда кредит олган хунармандлар ўз фаолиятини янада такомиллаштириш эвазига миллий хунармандчилик равнақига муносиб улуш қўшиб, "устоз-шоғирд" анъаналарини давом эттирган ҳолда хунармандчиликнинг умрбоқийлигини таъминламоқдалар.

Партия Кенгашиимиз қошида "Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жамоатчилиги Кенгаши"нинг ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жамоатчилик Кенгаши вилоятдаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари вакилларини бирлаштирган бўлиб, мазкур корхоналарда ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти орқали партия гоёлари аҳолининг кенг қатламлари орасига кириб бормоқда. Турли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Маълумки, бир неча йиллардан буён партияимиз томонидан уюштирилаётган тадбирлар олдидан миллий хунарманд-

чилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилиш анъанага айланган. Бу ҳам, ўз навбатида, хунармандчиликнинг янада ривожланишига, шунингдек, электоратимиз вакиллари бўлиши қадриятларимиз давомчилари манфаатлари таъминланиб, ўз меҳнат маҳсуллари намоеён этишига хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англашмоқда. Бу фуқароларнинг сиёсий фаоллигида, партия ташкилотлари ва депутатларга қилаётган мурожаатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу эса ўз-ўзидан аҳолида партияимиз ва депутатларга нисбатан ишонч, хайрихоҳлини уйғотмоқда. Электоратимиз манфаатлари акс этган депутатлик сўровларининг ижобий ечимли партияимиз хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилаётган. Фикримизни далиллар орқали таҳлил этсак. Ўтган йили электорат вакилларидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларга 500 га яқин мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларга асосан, тегишли идора ва ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, электорат манфаатлари таъминланди. Тўғри, депутатлик сўровларининг айримлари партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларидан бироз йироқ бўлиши мумкин. Лекин, электорат вакиллари партияимизга ишонч билдириб, бизга мурожаат қилишмоқда. Уларнинг муаммолари билан қизиқиш, манфаатларини таъминлаш халқ вакили ҳисобланган депутатларнинг диққат марказида бўлмоғи керак. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияси кун тартибига "2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросини таъминлаш", "Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш чора-тадбирларининг бажарилиши", "Янги иш ўринларини яратиш, хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш", "Шаҳар худудларида фаолият кўрсатаётган хунармандларни савдо ишларини олиб бориш учун бозорларда хунармандчилик расталарини ташкил этиш", "Музейларда ноёб хунармандчилик намуналарини жойлаштириш" каби ташаббус-масалалар киритилиб, қарор қабул қилинган ҳам электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий қадамлардир.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
**Ҳасан САЛОМОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбирлари



Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилишмоқда.

○ Қонун имзоланди

## Фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий шериклик:

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шу боис юртимизда демократик ислохотларнинг янги бир босқичини бошлаб берган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да Президентимиз қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга ошириладиган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролин кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мўҳим аҳамият касб этади". Концепцияда илгари сурилган ушбу ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида тайёрланган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб қучга қиради.

Ижтимоий шериклик жамиятдаги барча фуқароларнинг, ташкилотларнинг улуг мақсад атрофида бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, давлат ва жамият ҳаётидаги мўҳим масалаларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорлигини билдиради. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аҳолини иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини асраш ва бу орқали барқамол, соғлом авлоднинг шакллантириш, оналик ва болаликни, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти шароитида мўҳим аҳамиятга эга бўлган аҳолининг ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш каби мўҳим масалаларда шериклик қилиш билан боғлиқ меъёрлар белгиланган. Шу билан бирга Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини ривожлантириш, ролин кучайтириш, жойлашадиган мўҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишда уларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқор Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан ижтимоий комиссиялар таркибига маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари, ҳокимликларнинг тегишли бўлинмалари, адлия ва молия органлари, ННТ вакиллари кириши белгиланган. Шунингдек, Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватловчи жамоат фондлари фаолияти билан боғлиқ нормалар акс этган. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқаруви Парламент комиссияси ушбу комиссияларнинг Намунавий регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги меъёрлар белгиланган.

Қонуннинг 7-моддасида нодавлат но-тижорат ташкилотлари, фуқаролик жамия-ти бошқа институтлари ижтимоий-икти-содий ривожлантириш дастурлари ва нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, ишлаб чиқувчилар билан келишган ҳолда уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўт-казиш ташаббуси билан қилишда иштирок этиш, лойиҳалар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, уларни тўплаш ва умум-

лаштиришни амалга ошириш, шунингдек, ушбу тақлифларни қўриб чиқиш учун ва-колатли давлат органларига киритишга ҳақли эканлиги белгиланган. Мазкур нор-малар ҳуқуқий демократик давлат, очик ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топ-тиришда мўҳим аҳамият касб этиши билан бирга фуқаролар, кенг жамоатчилик-нинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки янада кенгайишига амалий таъ-сир кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жамият ҳаёти ва унинг тарққиётида мўҳим ўрин тутувчи масалалар кенг жамоатчилик то-монидан фуқаролик жамияти институтла-ри орқали муҳокама этилиши, ўз навбати-да, мазкур институтларга ҳам алоҳида маъсулият юклайди. Бугунги кунда айнан қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспе-ртизасидан ўтказиш, ёки турли мазлулар-да жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш бўйича амалиёт шаклланди. Шундан келиб чиқиб, жойларда давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари томонидан но-давлат нотижорат ташкилотлари, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри иштирокида қўллаб-қувватловчи жи-миётларни ўтказиб келинмоқда. Ушбу эши-тувларда давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериш билан бирга уларнинг нодав-лат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги масалалари ҳам муҳока-ма қилинмоқда. Энг мўҳими, бу жамоат-чилик эшитувларида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мўҳим масалалар ўз ечимини топомқда.

Фуқаролик жамияти институтлари ки-шилари ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти юксалиши, айниқса, қонунларга итоаткорлик туйғусининг пай-до бўлиши, фуқаролик жавобгарлигининг орттишига, давлат ва жамият олдидаги маъсулияти юксалишига, ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссининг шаклла-нишига ижобий таъсир кўрсатади. Мам-лакатимиз қонунчилигида илк мартабада белгилаётган ижтимоий шериклик субъектлари ўзаро ҳамкорликда турли тадбирлар, ҳаётлар, фестиваллар, мас-лаҳатлашув ва музокаралар, жамоатчи-лик муҳокамаларини ташкил этиш, жамоатчилик-маслаҳат органларини тузи-ши мумкин. Бу, ўз навбатида, муаммо-ларни ҳал этиш, аҳоли турмушини яхши-лашда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундайди.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзе-бистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий ғояларида минг йиллар давомида шаклланган қадриятлар-ни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодга етказиш, жамиятда бирдамлик, аҳил-иноқ-лик ва тинч-тотувлигини таъминлашга кўма-клашиш сингари мақсад-вазифалар акс эт-ган. Шулардан келиб чиқиб, партияимиз демократик қадрият ва қўнималарни ҳаёт-га жорий қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқа-ролик жамиятини барпо этиш жараёни-да фаол иштирок этишга интилоқда. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ЎзМТДПнинг бу йўналишдаги фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонунда белгиланган меъёрлар "қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари" тамойи-лининг шаклланишига, фуқаролик жамия-ти институтлари фаолиятининг янада кенгайишига ҳуқуқий асос бўлади.

Арслон ЭШМУРОДОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

○ Қонун лойиҳасига шарҳ

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ

унга доир қонунчиликни такомиллаштириш — давр талаби

*Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига, шу жумладан, бизнес соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.*

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида аънавий савдо усуллари билан бир қаторда электрон тижорат кенг қўлланилади. Жаҳон миқёсида аҳолининг 10 фоизи ўз харидларини интернет тармоғи орқали амалга ошириб, бу кўрсаткич тобора ўсиб бораётир. Юртимизда ҳам электрон тижоратни изчил ривожлантириш, соҳани қонунчилик асосида тартибга солиш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Натияжада тармоқ орқали электрон тўловларни амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмлари белгиланди. Банк картчалари орқали офлайн, яқин вақтдан буён эса, онлайн тизими ёрдамида тўловларни амалга ошириш жорий этилди. Қолаверса, "Интернет-банкнинг", "СМС-тўлов" каби тизимлар негизда масофадан банк хизматларини кўрсатиш ҳам амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирларнинг самарали жорий қилиниши муомалага чиқарилган банк пластик картчалари миқдори ва улар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми кейинги 5 йилда 7,5 баробар ўсишига ёрдам берди. Натияжада ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик картча муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн картчаклардир.

Эндиликда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни ҳам интернет орқали амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, товар ва хизматлар учун тўловларни банкдаги ҳисобрақамлар ва пластик картчалардан фойдаланган ҳолда, интернет тармоғи ва мобил телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди. Мазкур тизим орқали 2013 йил якунларига қўра, 61,8 миллиард сўмлик савдо-лар амалга оширилган.

Этироф этиш керакки, ахборот-коммуникация технологиялари барча соҳаларга кенг жорий қилинаётгани, ўз навбатида, юртимизнинг барча ҳудудларини мунтазам алоқа билан қамраб олаётган интернет тармоғи янада фаол ривожланиши ва унинг абонентлари сонининг изчиллик билан орттишига олиб келмоқда. Шунга қарамай, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солишни талаб этади. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг

энг мўҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, **энг қисқа муддатларда бу борадаги ғоя ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.**

"Электрон тижорат тўғрисидаги"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган. Айтиш керакки, амалдаги қонун ушбу соҳага тааллуқли бошқа қонун ҳужжатлари, яъни "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунларда белги-ланган тушунча ва атамаларга, хусусан, электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда аниқла-надиган электрон қўринишдаги ахборот электрон ҳужжат деб белгилашига асосланган.

Шу билан бирга, электрон рақамли имзони қўллаш технологияси олдиндан томонлар ўртасида тузилган ўзаро шартномавий муносабатлар мавжуд бўлиши ёки оммавий қилишларни тасдиқ-ловчи маркалар хизматларидан фойдаланишни тақозо этади. Қолаверса, электрон савдолар-нинг бугунги кундаги ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, қонунни татбиқ этиш соҳаларини, электрон тижорат субъектларини, ахборот воси-тачилари ва уларнинг функцияларини, битим-ларни тузишга бўлган фандалар ҳамда электрон тижоратда ахборот хавфсизлиги борасидаги амалдаги қонунда қўзда тутилган нормаларни қонун асосида белгилаш мўҳим ва долзарб ҳисоб-ланади. Эътиборли жиҳати шундаки, янги тах-рирдаги қонун лойиҳаси мазкур масалаларнинг барчасини қамраб олган.

Лойиҳада электрон тижоратда битимлар тузиш ва бошқа амалларни бажариш, электрон ҳужжат-лар(хабарлар)ни қўллаган ҳолда шартномалар тузиш жараёнида иштирокчиларга, шу жумла-дан, ахборот воситачиларига қўйиладиган талаб-лар ҳам белгиланган. Бу билан электрон ҳужжат-лар ва хабарларни қўллашда вуқудга келадиган муносабатларни тартибга солиш қўзда тутилмоқ-да. Лойиҳани ишлаб чиқишда электрон тижорат соҳасидаги илғор халқор тажриба атрофида ўрганилган қонуннинг самарадорлигини оши-ришга хизмат қилади.

Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси амалдаги қонундан ўзига хос қайси жиҳат-лари билан фарқ қилади, деган савол туғи-лиши табиий. Биринчидан, жисмоний шахслар - электрон тижорат субъектлари учун электрон ҳужжатлар-да электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйи-ча қатъий талаб бекор қилиниб, электрон ра-қамли имзонинг бир марталик идентификато-ридан ёки шахсий имзонинг аналогидан фойда-ланишга рўхсат этилади. Бу электрон битим-ларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва интернет тармоғи орқали банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизмни жорий этиш имконини беради.

Иккинчидан, электрон тижорат субъектларига электрон битимларни амалга ошириш бўйича хиз-

мат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркиби кенгайди. Улар таркибига телекоммуникация тар-моғи операторлари, тўлов агентлари, электрон савдони ташкил этишни амалга оширувчи ва элек-трон ҳужжатларни депозитар сақлаш бўйича хиз-мат кўрсатувчи шахслар киритилмоқда.

Учинчидан, электрон ҳужжат(хабар)лардан фой-даланган ҳолда, электрон битимлар ва электрон шаклдаги шартномалар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, тижорат тақлифла-ри ҳамда электрон тижорат шартномалари шарт-ларига қўшимча талаблар ўрнатилди.

Тўртинчидан, қонун лойиҳасида ҳисоб-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини бериувчи норма киритилди. Бугунги кунда қонун ҳужжатларига мувофиқ, товарлар - иш ва хизматлар савдосида шартнома ижросини ҳисобга олиб, тижорат тақлиф-ла ва бошқа ҳужжатларни қозғош шаклида имзолан-амалиёт мавжуд бўлиб, ўз навбатида, бу электрон тижоратни интернет тармоғи орқали амалга оши-ришда қийинчилик туғдиради. Янги норманинг киритилиши эса электрон тижорат тизимининг кенг қўлланишига имконият яратади.

Бешинчидан, электрон тижорат учун қулай шароитлар яратиш ва уни ривожлантириш стра-тегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ягона ёндашуви шакллантириш мақ-садида давлат томонидан мазкур соҳани тартиб-га солувчи ваколатли орган тайинлаши қўзда тутилди, унинг ваколатлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлар ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, электрон тижоратда давлат харидларини амалга ошириш, шунингдек, хорижий иштирокчилар билан битим-лар тузиш каби бир қатор мўҳим жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эъти-бор қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун сотувчилар ва харидорлар тарққияда тўғридан-тўғри, тезкор равишда шартномавий муносабат-ларни ўрнатиш учун шароит яратиш, бозорда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Эътиборли томони шундаки, бундай шароитда кичик бизнес субъектлари халқор бозорда ҳам самарали рақобат қилишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, қонун кучга киргач, ахборот тармоқ-лари воситасида электрон савдо қилишда опера-цияларнинг шаффофлиги ошади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик парти-яси иқтисодий соҳада белгилаган стратегик мақ-садлари, жумладан, иқтисодий хавфсизликни мус-таҳкамлаш; ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни яна-да такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш борасидаги сазой-ҳаракатларига ҳамохандир. Зеро, сотувчи ва харидорлар учун қисқа фурсатда товар нархи, сифати ва уни етказиб бериш билан боғлиқ турли рақобатчилар тақлиф этган маълум-отларини олиш имкониятларининг юзага келиши иқтисодий муносабатлариянада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Олимжон ЎСАРОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

○ Сарҳисоб

## Депутатнинг беш йиллик фаолияти

партия мақсадлари ва электорат манфаатларини ифода этади

*Бугунги кунда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва роли кучайиб, уларнинг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқ-да. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" нуртимида вақиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар фаоли-яти ривожини янги босқичга кўтарди.*

Бугунги давр олдимизга қўяётган вазифалар партиялар фаолиятини янада кучайтиришни, уларнинг сиё-сий қуч сифатида жамиятимизда мус-таҳкам ўринга эга бўлишини тақозо этади. Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси ҳам ўз ижтимоий қатлами, электоратига эга партия сифатида демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида муносиб ҳисса қўлишга интилоқда.

2009 йилда бўлиб ўтган сайлов-ларда халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар Кенгашларига депута-тликка сайланган партияимиз вакилла-ри сайловчиларга ўз ҳаракат дасту-рларини тақдим этган эдилар. Хўш, улар ўтган депутатлик фаолияти мо-байнида берган ваъдалари, белгила-ган мақсад-вазифаларини қай дара-жада амалга оширишга эришди? Мана шу каби саволларга жавоб то-пиш мақсадида Чироқчи туманидан халқ депутатлари вилоят ҳамда ту-ман Кенгашига ЎзМТДПдан сайлан-ган депутат Равшан Жўраев фаоли-яти билан қизиқдик.

Ўз Ватанини севган, унинг мил-лий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократ-тик давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шаклланишига етакчи қуч, бошлаган эзгу ишларининг да-вомчилиси билан Ўзбекистон "Мил-лий тикланиш" демократик партия-сининг дастурий мақсад ва вазифа-ларидан келиб чиқиб, депутат Рав-

шан Жўраев ўз сайловолди дастури-да ҳудуд ёшларининг таълим-тарбия-сига алоҳида эътибор қаратишни ус-тувор вазифа этиб белгилаган эди. Эътиборлиси, депутат халқ ишончи-ни қадрлаган ҳолда бу борада астой-дил меҳнат қилиб келмоқда.

— Ёшларимизни замонавий би-лимлар эгаси қилиб тарбиялаш мақ-садида депутат, энг аввало, таълим масканларида давомат масаласини янада яхшилаш тақлифини илгари сурди, - дейди ЎзМТДП Чироқчи туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Мухаммади Келдиев. - Шу боис, туманимиздаги мавжуд мак-таб, лицей, касб-хўнар коллежла-рида халқ таълими фаолиятини ме-тодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари билан ҳамкор-ликда ўқувчиларнинг дарсга қатнаш мониторинги олиб борилди. Нати-жада ҳудуддаги қўпгина таълим мас-канлари, хусусан, Чироқчи 1-транс-порт, спорт-педагогика, қишлоқ хўжалик, иқтисодиёт касб-хўнар кол-лежларида давомат кўрсаткичлари яхшиланди. Шунингдек, Р.Жўраев мактабларда битирувчиларни касб-га йўналтириш, уларга ўзлари қизиқ-қан касб-хўнарлар ҳақида зарур маълумотларни бериш мақсадида тур-ли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда учрашув ва давра сўх-батларини ўтказишга кўмаклашиб келмоқда. Жумладан, унинг ташаб-буси билан ўтган давр мобайнида ёшлар маънавиятини юксалтириш,

ёт ғояларга қарши мафқуравий им-унитетини мустаҳкамлашга қара-тилган 100 га яқин тадбир ташкил этилди. Айтиш жоизки, Равшан Жўраев сингари қўллаб-қувватла-римиз ўз сайловолди дастуруларида белгилаган мақсад-вазифаларини самарали амалга ошириб келаётган эътиборга молик.

— Юртбошимизнинг "Юксак маъ-навият — энгилмас қуч" асаридagi ғоялар партияимизнинг маънавият со-ҳасидаги мақсад-вазифаларининг асосини ташкил этади, - дейди халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кен-гашидаги партия гуруҳи раҳбари Сай-фулла Махматмўминов. — Депутат Равшан Жўраев ўз сайловолди дасту-рида бу жиҳатга алоҳида аҳамият қарат-ган эди. Жумладан, шахсининг шакла-нишида оиланинг ўрни беқиёс экан-лигини келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкам-лаш борасида аниқ мақсадларни ре-жага киритди. Шу асосда ҳудудимиз-даги қўллаб маҳалла фуқаролар йиғи-нида "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғоя асосида партия Кенгашлари билан ҳамкорликда "Энг яхши китобхон оила", "Энг намунали оила" қўриқ-танловлари, "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", "Одоб — инсон зийнати", "Оммавий маданиятнинг салбий оқибатлари" каби мазлуларда мулоқот, давра сўхбатларини мунта-зам ўтказиб келаётир.

Таъкидлаш жоизки, депутат ту-ман ижтимоий-маданий ривожла-ниш масалалари доимий комиссия-си раиси сифатида комиссия йиғи-лишларида фаол қатнашиб, ҳудуд-даги маданий мерос объектлари муҳофазаси борасида амалий тақ-лифларни илгари сурмоқда. Унинг партия дастурий мақсадларига ҳамоханг тарзда маданий-тарихий ёдгорликларни асраш ишларига

Умида УЗОҚОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

# Юксак маънавиятли халқ — енгилмас куч

*Бундан йигирма уч йил олдин туғилган чақалоқ бугун 23 ёшга тўлди. Энг навқирон, забардаст, куч-гайратга, шижоатга тўлган бу ёшдаги йигит-қизлар юртимиз мустақиллигига тенгдош, мамлакатимиз тараққиёти билан қадам-бақадам юксалаётган, ўзгарши ва янгилаштирилган билан ҳамнафас ёшлардир. Истиқлол ҳаёди қилган хур, бахтиёр замонда улғайётган бу ёшларга ёши улғур бобо-буваларнинг ўтмишдан ўқиниб гапирган гаплари гўё эртақдай бўлиб туюлади. Аммо афсуски, катталарнинг ўқиниб қолган ҳақиқатан ҳам мустақил даври озорларидан яраланган, ўзлиги, миллийлиги, дину дённати топмаган, улар буюк аждодлар меросидан мосуво бўлиб яшаган.*

## БАХТИЁР АВЛОД

Биз юртининг энг бахтиёр, энг омадли, ҳамма-нинг ҳаваси ва орзусидаги навқирон авлоддими. Боиси, барчамизга аён — ота-боболаримиз орзу қилган овоз ва обод юрт, ҳурлик замони бизга насиб этди. Бугун биз баралла айта оламиз — аждодларимиз олимун фузалу, алломаю ижодкор, маърифатпарвару илм-фан фидойиси бўлган. Биз уларнинг бахтиёр авлоди, давомчиси, издошимиз. Буюк аждодларимизнинг улкан илмий, маданий, маънавий меросини чуқур ўрганиб, тадқиқ этишга, тарғиб қилиб, овоза қилишга ҳақлимиз. Аслида ота-боболаримизнинг улкан мероси, илм-фандаги ютуқлари, турли соҳалардаги ихтиролари аллақачон дунё майдонидан эътироф этилиб, иқдор бўлинган. Бу иқдорни янада мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон тан олган аждодларимизга муносиб ворис бўлиш бугунги давр ёшларининг бурчи ва вазифасидир. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги эътирофларини эслаш жоиздир: "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланамиз, гурурланамиз керак", деб айтаман. Айни вақтда "Фақат гурурланишимиз ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!" деб тақдорлайман".

Дарҳақиқат, бугунги шиддат билан ўзгараётган замон, ривожланиш ва тараққиёт буюк ўтмишдан фахрланишга қолмай, уни келгусидаги юксалишларга камарбаста қилишни, бой меросдан унумли фойдаланиб, аждодларга муносиб бўлишни тақозо этади. Энг қувончлиси, истиқлол туғайли мамлакатимизда ана шундай юксалишга интилишнинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё — ўқиш, изланиш, ихтиро қилиш, яратиш, шарпо этиш, фаолият кўрсатиш, спорт билан шуғулланиш, галаба қозониш, чет элларда малака ошириш ва ҳоказо. Бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин, муҳими, ана шундай фаолият учун ўзимизда хоҳиш, истак ва интилиш бўлса, кифоя. Давлатимиз раҳбари "Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлири пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор қучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйкуга ётиб, эрта-лаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади," дея таъкидлаганларидек, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик илм-фан, таълим, маданият, қўйингки, барча соҳалар равнақига замин бўлаётди. Тинчлик-барқарорликнинг қадрига етиб, истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш келажакимизга қўйилган пойдевор бўлиши шубҳасиздир.

## ТАРИХИМИЗ ҚАЙТА ЮЗ ОЧДИ

Бир аср орзуланган Мустақиллик халқимизга юзлаб асрларга татиғули имкониятлар ҳаёди қилди, ўзлигимиз, миллийлигимизни, ўлмас қадрият аъналаримизни қайтариб берди. Бу ҳақиқат, Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида аллоҳида эътироф этилди: "Мустақиллик биз учун - бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, беқийс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демократия". Дарҳақиқат, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз ҳар бир соҳада ўзини намойён этиб, дунё майдонига чиқди, моддий, маданий, маънавий бойликларимиз, миллий қадрият, аъна ва урф-одатларимиз қайта тикланиб, сайқалланиб бораётди. Узок йиллар давомида қора бўёқларда тасвирланган тарихий ўзига, ўтмишимиз ўзининг ҳақиқий, бор бўйбаста билан қайта юз очди, жаҳон илм-фани тараққиётига пойдевор қўйган кўплаб алломаларимиз номи ва беқийс мероси тикланди, уларга эгаллик қилиш, фахрланиш ва тарғиб-ташвиқ этиш ҳуқуқимизни қайтариб олди. Миллий ўзига хослиги, бой маънавияти, аждодларининг илм-фан ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан халқимиз дунё олимлари, илм аҳли томонидан халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Буни айниқса, жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция мисолида яна бир бор ҳис қилдик.

## ДУНЁ ИЛМ АҲЛИ НИГОҲИДАМИЗ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференцияда 50 дан ортиқ мамлакатлардан олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирок этиб, юртимизда яшаб ўтган кўплаб илм-маърифат фидойиларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар ўтган манзилларда бўлдилар. Ўрта асрларда Шарқ оламида яшадиган ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш мақсади кўзланган конференция том маънода ўз вазифасини бажарди. Алгебра фанига асос солган бобокалонимиз Ал-Хоразмий, буюк географик кашфиётлар даврида асарлари Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган Аҳмад Фароний, дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги гоёларни тақлиф этган Беруний, "Тиб қонунлари" деб аталган бебаҳо фундамента асари билан тиббиёт илми ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино каби серқирра алломаларимиз мероси ушбу конференция мобайнида дунё илм аҳли томонидан қайта кашф этилди. Мамлакатимиз китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлэзма асарлар сақланаётгани, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилгани, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг кўлэзмалари Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги кутубхоналарнинг "олтин фонд"ни ташкил этаётгани миллиятимизнинг азал-азалдан билимга, илм-фанга иштиёқи баланд бўлганлигидан далолат беради. Биз ана шундай юксак маънавиятли, маърифатли ва доно халқнинг авлодларимиз.

Маънавияти юксак, дунёқараши кенг халқ ҳеч кимнинг етовига тушмасдан, барча соҳаларда миллий манфаатлардан келиб чиқиб иш тутади, ўзи тўғри деб билган йўлдан юриб, юрт тараққиётига эришади. Миллатнинг ўзига хослиги, озодликнинг асосий замини бўлган миллийлик, ўлмас қадриятлар, халқона урф-одатлардан фахрланиб, куч олиб, замон билан ҳамнафас яшади. Бугун ўзбек халқи ана шу мезонга интилиб, миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда, ўзлигини йўқотмасдан дунёга юз тутаётган замонавий миллат сифатида буй кўрсатмоқда.

## ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБОТИГА КЎМАҚДОШ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз номига муносиб равишда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва аъналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдиришни, ушбу гоё асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билди. 180 мингдан зиёд фуқароларни ўз атрофида бирлаштирган партияимиз, истиқлол гоёларига ҳамоханг, миллат тақдирига дахлдор ушбу мақсад-вазифалар ижросини мунтазам таъминлашга астойдил интилади. Хусусан, марказий ва ҳудудий партия ташкилотларида "Мустақиллик миллий тикланиш ва юксалиш" лойиҳаси доирасидаги туркум тадбирлар, мулоқотлар, учрашувлар ва форумлар давом этаётди. "Миллий маънавият — халқимизнинг бугунги ҳаётини, тақдирини ва ёшлар келажакини белгилайди", "Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва қўйингки — ўзбек халқининг ўлмас қадриятлари" каби мавзуларда давра суҳбати ва семинарлар ташкил этиляпти. Барча тадбирларда 23 йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани кенг тарғиб қилинмоқда. Бугун бугун дунё социал, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир вазиятда, шунингдек, глобаллашув жараёнлари авж олиб, турли оқимлар ва ахборот хуржлари таъсирида халқларнинг ўзига хослиги йўқолиш арафасида турган бир пайтда миллий бирлик, бирдамлик ва ватанпарварлик, халқимизнинг бутун куч ва имкониятларини мамлакатимиз барқарор ривожланишининг юқори суръатларини таъминлашга сафарбар этиш, халқимизнинг миллий ўзига хослигини сақлаш, ёш авлодни миллий тарих ва халқ аъналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуси билан тарбиялаш масалалари долзарблигига эътибор қаратиляпти. Бу каби тадбирларда Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, унда эътироф этилган фикр-мулоҳазалар мазмун-моҳияти янада чуқур ўрганилиб, тарғиб этилмоқда.

Энг азиз, энг улғур байрам — истиқлол шукҳи ҳаммиша қалбимизда, бизни ёруғ манзиллар сари етакловчи маёқ бўлиб порлаб тураверди. Истиқлол маънавияти юксак миллат, дошиманд халқнинг ворислари эканимизни бот-бот эсла-тиб, шу буюк миллатга муносиб авлод бўлишимиз учун имкониятлар эшигини кенг очаверади. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, маънавиятимизни, мафқурамизни мустаҳкамлаш, ёт гоёларга берилмасдан олға интилиш биз ёшларнинг энг муҳим вазифамиздир. Зеро, юксак маънавиятли халқни ҳеч қандай куч ва восита билан энгиб бўлмайди.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Боқий мерос



# Термиз: Мозий билан бўйлашган шаҳар

*Одамлар сингари, шаҳарларнинг ҳам ўзига хос тақдир, ҳаёт ва кураш йўли, яхши-ёмон кунлари, ютуқ ва мағлубиятлари бўлади. Шаҳарлар ҳам одамлардай аста-секин оёққа туради, турмуш тарзи, қиёфаси, урф-одатлари, расм-русумлари шаклланади, улғайиш, калмога етишининг турли босқичларидан ўтади, одамлар каби умри давомида турли синновларга, ногаҳоний зарбаларга дуч келади, оғир йўқолишлар азобини тартади.*



Дунётепа ибодатхонаси худудидан топилган устуннинг тепа қисми (I-II асрлар). Мазкур санъат асариди Юнон-Бақтрия ва Кушон даври, уларнинг рамзлари акс эттирилган.

Тарихдан маълумки, миллоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёнинг жанубида — аҳмонийлар тасарруфида бўлган ерларда ҳаёт бир маромда яшаб турган, ҳар галги босқиндан сўнг бу ердаги шаҳарлар қайтадан қад ростлаган. Буни дунёнинг машҳур кентлари мақомига кўтарилган, олис мозиёга ҳамнафас Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Кўкон, Марғилон каби шаҳарларимиз тақдирини яққол кўришимиз мумкин. Улар ҳақида гап кетганда, қўпчилик "Қўхна ва ҳаммаша навқирон" деган сифат ишлатилади. Бирок қўхна бўлишига қарамай, бугун — талотўғли XXI асрда ҳам навқиронлик касб этиб туриш, ўтмиш ва бугунга хос ташқи ва ички атрибутларни, тарихий хотира ва аъналарни, улғур аждодларнинг бебаҳо меросини сақлаб қолиш, уларнинг замонавий маданияти ва маърифати, юксак маънавий тафаккур билан уйғунлигига эришиш нечоғли қийин ва машаққатли экани тўғрисида негадир кам мулоҳаза юритамиз. Холбуки, миллий истиқлол халқимизга, бошқа оламшумул ютуқлар қатори, мана шундай ноёб, ибратли уйғунликни ҳам ҳаёди этди. Бу ҳаёдан баҳраманд бўлган шаҳарлар орасида ҳассос ва дошиманд Термиз шаҳри ҳам бор.

Не-не алломаларга бешик бўлган, дунё илм-фанида "Мадинат-ур-рижол", яъни мардлар, баҳодирлар шаҳри деб ном олган, икки ярим минг йиллик тарихга эга шаҳар созиқ тузум шароитида таназзулга юз тутди, табарруқ зотларнинг зиёратгоҳлари қаровсиз қолиб, вайронага айланди. Соҳибқирон Амир Темур Термизга яқин жойда пиру бузруквор Саййид Барақдан ҳокимият раъзи бўлган байроқ ва ноғорани қабул қилиб олгани, шаҳар босқинчилар зулми остида неча бор ёндирилиб, қайта тиклангани, озодлик, эрк учун кураш бу ерда асло тўхтамагани, термизий алломалар-

нинг бугунгача етиб келган маънавий мероси дунё илм-фани ва маънавиятини ҳамон мунавар нурлари билан ёритиб келаятгани ҳам ҳеч кимни қизиқтирмади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу муътабар заминга қизиқиш мавжудлиги, шаҳар тарихини ўрганиш илмий, умуминсоний тараққиёт учун ўта зарурлиги аён бўлса-да, мафқуравий тақиқ бу борада жиддий изланиш олиб боришга, ҳақиқат, адолат чашмаларининг кўзини очишга изн бермади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа тарихий шаҳарларимиз каби Термизнинг ҳам кўксига шабада теғди. Йигирма уч йил ичида шаҳар таъмири қайта қурилди. Ўзбекистон жанубида ҳар жихатдан замонавий, юксак маънавиятли, тафаккур янги Термиз қад ростлашди ва у ўзининг бемисл ўтмиши, бой тарихий, илмий ва маърифий мероси, олис ўтмишнинг маърифий нафаси уфуриб турган ноёб ёдгорликлари, осори-атикалари билан дунёга машҳур қадимшунос олимлар, тадқиқотчилар эътиборини ўзига қаратди. Термиз археология музейида бўлган киши бу ерда намойиш этилаётган экспонатларнинг кўламни қўриб, ҳайратга тушади. Музей директори, захматқаш олим Исмоил Болтировнинг ҳикоя қилишича, истиқлол йилларида музейда сақланаётган тарихий ёдгорлик намуналари 8 мингдан 80 мингга кўпайган, қазилар-қидириш ишлари бугун ҳам самарали давом этмоқда, теурийлар даврида бу ерда ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи баланд бўлганидан далолат берувчи янги далиллар қўпаймоқда. Янги қазилар қочиди топилган буюмлар қадимда бу ерда турли маданият ва диний эътиқодлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бир-бирларини

эътироф этиш ва ҳурматлаш мавжуд бўлганини исботлайди. Чунончи, Дунётепа ибодатхонаси худудидан топилган бир бўлак ёдгорлик — маҳобатли иморат устунларидан бирининг пештоқ қисми I-II асрларга тааллуқли бўлиб, унда юнон-бақтрия ва кушон даврининг ўзига хос эмблемалари ёнма-ён тасвирланган. Археолог олим Шокир Пидавнинг фикрича, мана шу топилманинг ўзи бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-товушлик, аҳил-иноқлик, бағрикенглик, инсоний меҳр-оқибат каби фазилатлар бизга ўтмиш аждодлардан мерос эканлигини тасдиқлайди. Бу ният бино маъморлари режасида ўз-ўзини давон тугилган бўлмас керак. Бу — балким, ўтмиш аждодлар ҳам, бугун биз каби, шу азиз тупроқ — барчамизники, уни асраб-авайлайлик, ўзаро ниқоқлашмайлик, бир-биримизни тушунайлик, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатайлик, аҳил-иноқ яшасак, ер, сув, ҳаво ҳамма-мизга етиб ортади, деб яшашганидан далолат эмасмикан?!

Академик Галина Пугаченкованин шогирдлари бу захматқаш олимпиада илмий қидирув ишларини олиб бораётган экан, Сурхондарё заминида қадим ёдгорликлар беҳад кўпчилигини, уларнинг ҳаммасини қишлоққа-қишлоқ, тепалик-тепалик юриб, рўйхатга олиш, жиддий ўрганиш зарурлигини кўп бор икки бир надомат билан таъкидлаганини эслашади. Профессор Баҳодир Турғунов бу ишни жасорат билан давом эттириб, Рим ва юнон архитектура ёдгорликларида учрайдиган тошдан ўйиб ишланган ноёб таққуриларни топади. Бундай тошлар Холчаён қанидаги Хонақо қишлоғидан ҳам топилади. 1989 йили Сурхон заминида биринчи марта келган япониялик машҳур қадимшунос олим, Сока уни-

верситети профессори Кюдзо Като бундай топилмаларни Афғонистоннинг Сурх-хўтал ва Хадда ёдгорликларида ҳам кўрганани, улар миллоддан аввалги III-I асрларга тааллуқли эканини айтади. Бугун Термиз археология музейида, хусусан, қадимий устунлар залида, Ҳаким ат-Термизий бобомиз зиёратгоҳи мажмуасидаги музейда бўлган киши олис мозиининг бугунги авлодларга чин маънода сабоқ бўлувчи кўплаб ҳикматларига дуч келади. Ҳа, айти хикматларига!

Профессор Като чорак асрдан бери бу заминда қазил ишларини олиб боради, Сурхон заминининг ҳар қаричи, ҳар ховуч тупроғи буюк хотира эканини уқтиришдан толмайди, ҳар тепаликка худди болалиги шу ерда ўтгандай суқланиб тикилади. Далварзинтепада Баҳодир Турғунов билан икки қаватли бино қуриб, унга "Катонинг уйи" деган ном беради.

Бугун Термизда бўлган киши шаҳарнинг тамомила янги, замонавий қиёфасини, шакл ва мазмун уйғунлигини, аҳоли фаровонлиги учун яратилаётган имкониятларни кўриб, беихтиёр хайратга тушади, истиқлолнинг нақадар улғур неъмат, буюк имконият эканини дилдан ҳис этади. Бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, янги режалар, қурилиш кўлами ҳориқлик сайёҳларни ҳам хайратга солади. Термиз давлат университетининг янги биноси, "Ёшлар маркази", "Сурхон" ўйингоҳи, "Дельфин" сузиш ҳавзаси, замонавий "Бахт уйи", янги лицей ва коллежлар, спорт, маданият ва санъат, соғломлаштириш мажмуалари шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турибди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан қишлоқларда аҳоли учун турли қулайликлар, жумладан, санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, тиббий кўриқдан ўтиш, ёшлар ва болаларни оммавий спорт ўйинларига янада фаол жалб этишни таъминлаш имкониятлари яратилмоқда. Вилоят марказида жойлашган замонавий тиббий тез ёрдам марказида аҳолига беминнат ёрдам кўрсатиш борасида намунали ишлар амалга оширилаётди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда қалблари гурур ва ифтихорга тўлган ёшлар, адабиёт ва санъат намояндалари, сурхондарёлик ижод аҳли гоёят кўтаринки руҳда катнашаётми.

Ўзбекистон халқ россоми, марҳум Рўзи Чориев: "Сурхондарё — менинг Ватаним, бу заминнинг синик бир гишти, бир парча сополи, оташ ҳавоси, ариғида оқётган кўлдам суғи ҳам мен учун муқаддас" дегучи эди. Бугун мана шу туйғу бугун элюртни қамраб олган десак, хато бўлмайди. Денов туманида жойлашган Раёно Узоқова номидаги коллежда ўтказилган учрашувда қатнашган ёшларнинг ҳароратли сўзлари, захматқаш олим Тоштемур Турдудевнинг неча ўн йилликлар давомида муттасил юрт кезиб йўқан халқона термалари, гўзал Фарғонадан Термизга келиб бўлиб тушган, шу ерда тул қўйиб, паллак ёзган ҳаммасим Мавжуда Насруллаеванин бугунги Термиз ҳақидаги муҳаббатли мулоҳазалари менга Рўзи Чориевни, ҳассос шоир Теша Сайдалиевни, адабиётимизга сурхон нафасини олиб кирган Шуқур Холимизраев, Тоғай Мурод, Менгзиев Сафаров каби ижодкорларнинг юртсеварлик фазилатларини эслади. Президентимиз Фармонидан буюн Термиз шаҳрининг Амир Темур ордени билан мукофотланиши бугун воҳа аҳли қалбиди фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдириди. Бу юксак мукофот шаҳар аҳлининг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улғур аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат билан давом эттириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари эътирофидир.

Ҳа, шаҳарларнинг ҳам, одамлар каби ҳаёт ва кураш йўли бўлади.  
**Аҳмаджон МЕЛИБОВ**

Тиббий хизмат



Саломатлик — туман бойлик

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ замонавий ускуналарга эга шифо масканлари сонини кун сайин ортиб бораёпти. Бу эса аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Муҳими, сўнги рўсумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бундай шифо масканларида ҳар томонлама билимли, тажрибали, қўли энгил шифокорларнинг хизмат қилаётганидан аҳоли мамнун.

психологик тавсиялар ишлаб чиқилиб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, эрта никоҳ ҳамда ажримларнинг олдини олиш масалалари юзасидан "Ёш оила мактаби"да машғул, маъруза, суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Аҳолининг тиббий онги ва маданиятини ошириш, соғлом турмушни тарғиб қилиш ҳамда тиббий янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, болалар касалликларини олдини олиш бўйича мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилиб, туманимиздаги маҳалла, мактаб, коллеж ва корхоналарда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизмати сифатини яхшилаш, амалиётга киритилаётган янги технологияларни қўллаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш, кадрлар салоҳиятини мустақкамлаш мақсадида 10 нафар врачлар нуфузли тиббиёт муассасаларида ўз малакаларини ошириб, тажриба алмашиб қайтишди.

Туманда болаларни ташхиллаш ва даволашда замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадида Хитой гранти асосида 59 миллион сўмлик тиббий аппарат ва жиҳозлар келтирилди. Ҳозирги пайтда ушбу аппаратуралардан самарали

фойдаланилмоқда. Бундан ташқари "Саломатлик — 3" лойиҳаси бўйича рақамли рентген аппарати, куйдирувчи ФГДС, центрифуга, ЭКГ аппаратлари олиб келиниб, ўрнатилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва ҳомилдор аёлларга антинал ва перинатал тиббий хизмат ва парварини яхшилаш, болалар стандартлар асосида ташхил қўйиш ва даволаш, малякия ва юқори технологиялар ёрдамида тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Оқтепа ва Миркент қишлоқ врачлик пунктлари биносини қайта реконструкция қилиш учун давлатимиз томонидан 250 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда маблағлар тўла сарфланиб, ҚВПлар тўлиқ реконструкция қилинди.

Туманнинг кўп тармоқли поликлиникасида эса тор соҳа мутахассислари иштирокида ҳар бир ҚВП кесимида чуқурлаштирилган тиббий курикларнинг тармоқ режаси ишлаб чиқилди. Бирлашма тизимида болаларга ёрдам кўрсатишда муассасаларда ҳар бир шифокорнинг мини кутубхонаси ташкил этилган бўлиб, бунда ҳар бир соҳа бўйича стандарт қўлланмалар ҳамда интернет тармоқларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Ориф ХОЛИКУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Таълим ва ислохот

Ёшлар тарбияси

унинг ҳуқуқий пойдевори янада мустақкамланади

Мустақкамликнинг илк кунлариданоқ Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустақкамланди. Жумладан, айни пайтда 20 дан ортиқ қонун ҳужжатини вояга етмаганлар ва ёшларни камол топтириш, иқтидорини тўлатқис рўёбга чиқаришда мустақкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар ёшларни юксак маънавиятга, комил инсон сифатида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш бўлишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиш берганлиги билан гоята муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Урни келганда мазкур соҳада эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда юртимизда кечаётган демократик ўзгаришлар ва бугунги замон талабидан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш кун тартибига чиқаришнинг аҳамияти юқори бўлиши шубҳасиз. Шу нуктага назардан ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишда нафақат давлат, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, яъни бу борадаги қонун ижодкорлиги фаолиятида жамоат тизимларининг ваколатларини янада такомиллаштириш уларнинг объектив заруриятдир. Айниқса, ёшларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда уларнинг миллий кадрлар ва урф-одатларимизга ҳамоҳанглигини таъминлаш, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириши шубҳасиз.

Кўргазма

"Шарқ архитектураси"

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона томонидан қадимги ва тарихий китоблар асосида ана шундай номдаги кўргазма очилди

Кўргазмани ташкил этишда нафақат кутубхонадан фойдаланувчилар, илмий ва кенг жамоатчилик вакилларининг қизиқишлари, шунингдек, хорижий меҳмонларнинг ташрифи ҳам ҳисобга олинган. Намойишга қўйилган асарлар турли даврларда ёзилган, нашр қилинган бўлиб, Ўзбекистон, Марказий Осиё ва бошқа қатор хорижий давлатлардаги тарихий-мемориал обидалар, уларнинг таҳлили, қурилган иншоотлар чизмаси, расм ва суратлари ақс этган китоблардан иборат. Уларнинг муаллифлари таниқли санъатшунослар, археологлар, Шарқ нақшлари бўйича машҳур олимлар, архитектура соҳасида кўзга кўринган тадқиқотчилар, мутахассислар ва ижоднинг бошқа турлари, йўналишлари вакиллари.

Экспозициядан жой олган турли давр ва минтақаларда чоп этилган китобларда мамлакатимиз ҳудудидида шаклланиган ва ривожланган ноёб обидаларнинг тарихи, хусусиятлари, чизмалари, ёзма ҳужжатлари, расмлари, фотосуратла-

лаш учун халқаро молия институтининг 28 миллион доллардан ортиқ имтиёзли кредитларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион доллар миқдоридидаги маблағи ҳисобидан кўп тармоқли махсус болалар ши-фононаси барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси маблағлари ҳисобидан жорий йилда 115 та болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий спорт анжумани билан таъминлаш учун 107 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Бу ҳам давлатимизда болалар спортининг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг мевасидир, десак, муболага бўлмайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда "соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Биргина болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар болаларимиз соғлом бўлиши, улар маънавиятини юксалтиришда гоята муҳим аҳамият касб этди.

Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан кунлик фойдаланиш вақти ўртача 9,5 соатни ташкил этмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар нафақат ташкилий, иқтисодий балки ҳуқуқий масалаларни ҳам қамраб олади. Шу боис, бола ҳуқуқлари кафолатларининг тадқиқий ривожланишини инobatга олиб, чуқур ва фундаментал илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимизда бола ҳуқуқи бўйича миллий қонунчилик тизими шакллантирилганлиги болалар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари бўйича ижтимоий шерикчилик ҳамда жамоатчилик назоратининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Юртбошимиз "Соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир", деб таъкидлаганини бежиз эмас. Чуқур мазмунга эга бу сўзлар давлатимиз сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида ҳаётини маъно касб этмоқда.

Чиндан-да, соғлом болани тарбиялаш келажагимизнинг ёруғ машъали бўлиб хизмат қилади. Демак, баркамол авлодлар тарбиясининг ҳал қилувчи кучи, ойдин ва нурафшон йўлдан дадил ва мардонавор боришда бизга ҳам таъниқ, ҳам суянчимиз эканлиги шубҳасиз. Улар давлат ва жамят тараққиётига қанот бағишлаш, орау ва муруд-мақсадларимизни рўёбга чиқариш ҳамда келажаги буюк давлат барпо этишда қудратли кучдир.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Фаолият

Фарзандларимиз камолоти

юртимиз келажагини белгилаб беради

Фарзандларимизнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, уларни соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётганини қувонтиради. Зеро, буларнинг барчаси мустақкамлик йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ҳаётият татбиқ этилган "Ўзбек таълим модели", хусусан, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

асбобларига эгамиз. Коллежимизда 9 та кафедра бўлиб, уларда фортепиано ва мусиқа назарияси, торли, пуфлама ва зарбли чолғулар, халқ чолғу асбоблари, аънавий ижрочилик, академик хонандалик ва хор-дирижёрлиги, эстрада ижрочилиги, актёрлик ва хореография санъати, дастгоҳли рангтаъсир ва декоратив амалий санъат, ижтимоий гуманитар ва умумтаълим фанлари бўйича таълим берилади. Айни кунда 8 йўналиш 17 мутахассислик бўйича 524 нафар ўқувчи-ёшлар коллежда тахсил олмақда. Уларга 198 нафар малакали ўқитувчи ҳамда мураббийлар бириктирилган. Педагог кадрлар салоҳияти ва сифатини ошириш учун янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг савияси, маънавий-маърифий, услубий, касбий тайёргарлигини оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, интернет тармоғига улашиш ишлари ҳам бажарилди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни баркамол авлод бўлиб вояга етишида халқаро танлов ва фестиваллар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, коллежимиз ўқувчиси Аббос Аҳмедов Россия Федерациясининг Петрозаводск шаҳрида ўтказилган Халқ чолғулари ижрочиларининг XVI халқаро танловда 1-уринни эгаллади. Утган йили академик хонандалик ва хор-дирижёрлиги кафедраси ўқувчиси Абдулла Ширинов опера йўналиши бўйича "Нихол" Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус,

касб-ҳунар таълими маркази ўқув муассасалари ўртасида ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўриктанловининг Республика босқичида эстрада ижрочилиги кафедраси 1-босқич ўқувчиси Жавлон Худойбердиев III ўринни қўлга киритди.

2014 йил март ойда Тошкент шаҳрида "Соғлом бола йили"га бағишланган "Наврўз садолари" VII Республика кўп овозли миллий чолғу ансамбли ва оркестрлари фестивалида коллеж халқ чолғулари кафедраси қошидаги урма, чертма ва зарбли чолғулари оркестри (21 нафар ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар) иштирок этиб, фестивалнинг Дипломи ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро жағфармасининг махсус совғаси билан тақдирланди. Бундай ютуқ ва муваффақиятларимиз замирида коллежимиз ўқитувчиларидан Файзулло Исмолов, Искон Ражабов, Ҳамрокул Шакуров, Файбулло Хусейнов, Бегимкул Пратов, Гулноза Ҳамраева, Азамат Ражабов, Марҳабо Абрўева, Анора Қодирова, Зебо Турсунова, Соҳибжамол Ҳайдарова, Маъмура Умароваларнинг хизматлари беқиёсдир. Зеро, ёшлар юртимиз келажаги, уларни асраб-авайлаб, зарур билим, кўникма ва таълим-тарбия бериш бурчимиздир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида маълум бир тажриба ва катта салоҳиятга эга бўлган коллежимизда ёшларни Ватанга содиқ, билимли, фидойи қилиб тарбиялаш мақсадида режа ишлаб чиқилган. Ана шу режа асосида мунтазам учрашув, мулоқот ва баҳс-мунозаралар олиб борилади.

Бугун ёшларимиз орзу-истакларига шу Ватан учун хизмат қилиш, унга муносиб фарзанд бўлиш иштиёқи баланд. Бу эса Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

Салим САЙИМОВ, Қарши санъат коллежи директори, "Дўстлик" ордени соҳиб


Куни кеча касб байрамимиз муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини эшитиб, касбимиз масъулиятли ва шарафли эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Хусусан, табриқда таъкидланганидек, фарзандларимиз камолотида гоята масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Дарвоқе, ўқитувчилик фидойиликни талаб этадиган касб. Устознинг бугунги ибрат ва намунаси эртага ўз шоғирдлари фаолиятида бўй кўрсатади. Коллежимизнинг моддий-техник даражаси мақтаса арзиғулик. Машғулот ўтказишимиз учун замонавий жиҳоз ва мусиқа

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

### Бизнинг шарҳ

# САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ



**Инсон эрки, шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамият ана шу тушунчаларни эъзозлаш, ҳурмат қилишга эътибор қаратади. Сайловлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалда намойи бўлишининг ўзига хос бир шаклидир.**



Сайлов тизими бундан бир неча минг йиллар олдин қадимги Афина давлатида пайдо бўлган. Афиналиклар мамлакат сенатига сайловларни миллоддан аввалги йиллардаёқ ташкил этишган. Кейинчалик қадимги Рим ҳам ўз сенати аъзоларини сайлов йўли билан аниқлаган. Давлат бошқаруви тизимида алоҳида ваколатларга эга бўлган мансабдорларни сайлаш Хитой ва Ҳиндистонда ҳам мавжуд бўлган. Кейинги асрларда эса бу таъриба Франция, Германия, Болгария ва Сербия мамлакатларида ҳам татбиқ этилди. Илк ўрта асрларда сайлов тизимидан Испания ва Англия давлат бошқаруви тизимларида ҳам кенг фойдаланилган. 1295 йилда биринчи марта Англияда парламент сайловлари ўтказилган бўлса, XVII асрдан бошлаб Польша Сейми ва Россия Земский собори куйи палаталарида ҳам сайлаш тизими жорий этилган. Аммо бу сайловларнинг замонавий сайловлардан фарқи шундаки, унда фақат ўша даврнинг мулкдорлар қатлами, аслзодалар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишган. Камбағаллар ва аёллар бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган.

Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, сайловчилар бевосита номзоднинг шахсига эътибор қаратиб, у билан очиқ ва юзма-юз мулоқот қилиш имконига эга бўлади. Пропорционал сайлов тизими, асосан, парламент сайловларида қўлланилади. Бунда сайловчилар аниқ бир шахсга эмас, балки партияга овоз берадилар. Пропорционал сайлов тизимида камчиликини ташкил этувчи сайловчилар овози ҳам инобатга олинади: кам овоз олган сиёсий партияга ҳам парламентдан ўрин ажратилади. Мазкур сайлов турининг фарқи жиҳати номзод танлаш ҳуқуқи бевосита сайловчига эмас, балки уларнинг овозини олган сиёсий партияларга берилади. Баъзи хорижий давлатларда ҳам пропорционал, ҳам мажоритар сайлов тизимига асосланган аралаш сайлов тури амал қилади. Сайловлар ўтказиладиган ҳудудига қараб ҳам қуйидагича тавсифланади. Умумийлиги сайловлар — бутун мамлакат миқёсида ўтказилади. Мамлакат парламенти ва Президентлигига ўтказиладиган сайловларни ана шу турга киритиш мумкин. Унда мамлакатнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролари иштирок этади. Маҳаллий сайловлар эса муайян маъмурий-ҳудудий бўлини (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча) миқёсида ўтказилади. Мамлакатимизда ҳар икки ярим йилда ўтказиладиган фуқаролар йиғини оксоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови маҳаллий сайловлар турига мансуб. Шунингдек, нисбатан йирик маъмурий бўлинмалар миқёсида минтақавий сайловлар ҳам ўтказилади. Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиши-иродасини ифода этиш усуллари қараб турғи (бевосита) ва погонали (билвосита) сайлов турларига ҳам бўлинади. Бевосита сайловлар — аниқ бир шахснинг муайян бир лавозимга фуқаролар томонидан бевосита сайлаб қўйилишидир. Жуда кўп давлатларда Президент бевосита овоз бериш йўли билан сайланади. Билвосита, яъни погонали сайловларда эса сайловчиларнинг хоҳиши-иродаси бевосита ўзлари томонидан эмас, балки сайловчилар гуруҳи ёки ҳаракатдаги сайлов органи орқали амалга оширилади. Билвосита сайлов АКШда мамлакат Президентини сайлашда ҳозирга қадар қўлланиб келинади. Сайловлар ўтказилиш вақтига қараб ҳам навбатдаги ва навбатдан ташқари

сайловларга бўлинади. Навбатдаги сайловлар — сайлаб қўйилган органининг ваколат муддати туғаси муносабати билан ўтказиладиган сайловлардир. Навбатдан ташқари (муддатдан олдин) сайловлар эса мансабдор шахснинг ўрни бўшаб қолганда ёки вакиллик органи — парламент муддатидан олдин тарқатиб юборилганда ўтказилади. Қайд этиш жоизки, сайловнинг барча турларида демократик анъана ва қадриятлар, инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ намойи бўлади. Энг муҳими, сайловлар инсон хоҳиш-истагини ифода қилади, давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ва ўрнини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам сайловларда қатнашиш ҳар бир фуқарога гуруҳ ва ифтихор бағишлайди, жамиятга бевосита дахлдорлик туйғусини уйғотади. Дарвоқе, дунё таърибасида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ёш чегараси буйича ҳам тафовутлар мавжуд. Масалан, Бразилия ва Эронда фуқаролар 16, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, Малайзия, Марокаш, Боливия фуқаролари 21 ёшга тўлганидан кейин сайловда иштирок эта олади. Россия ва Франция қонунлари қўра, 18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда иштирок этишлари мумкин. Мамлакатимизда ҳам Конституциямизнинг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Таъкидлаш керакики, истиқлол йилларида мамлакатимиз сайлов тизими умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла мослаштирилди. Юртимизда сайловларнинг очиқ-ошкоралик руҳида, муқобиллик ва кўппартиявийлик муҳитида ўтиши, сайловдаги жаранга бериш қатъий қарор ва номзодларга бир хил шариоит яратиш берилиши юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди. Шунингдек, ўтган йиллар давомида сайлов тизимининг миллий қонунчилик асоси ҳам такомиллаштирилди. Бу йўналишда қатор қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимиз Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги ва "Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар юртимизда сайловларни халқаро талабларга тўла мос равишда ўтишини таъминлайди. Буни парламент сайловларида бевосита қатнашган халқаро эксперт ва кузатувчилар ҳам эътироф этишмоқда.

**Хасан САЛОМОВ,**  
**"Milliy tikanish" мухбири**

## Кўрсаткичлар қай даражада?

**Хитойнинг ташқи қарзлари 2,6 фоизга ўсган.**  
Жорий йилнинг 1-чораги яқунларига қўра, Хитой Халқ Республикасининг ташқи қарзлари 2,6 фоизга ўсиб, 907,2 млрд. АҚШ долларига етган. Бу маълумотлар Хитой давлат валюта бошқармасининг ҳисоботида келтирилган. Таққосланганда, март ойи охирида қарз қиймати 883,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бунда ўрта ва узоқ муддатли қарздорликлар буйича сума 191,372 млрд., қисқа муддатлилари буйича эса — 715,9 млрд. АҚШ долларидан иборат. "Citigroup Inc" йирик молия ташкилоти экспертлари Хитойдаги иқтисодий ўсиш борисида ўз хавотирларини билдиришган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарзнинг тезкор суратларда ўсиши иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Эбола Европада

**Эндликда вирус Испанияда қайд этилди.**  
Бу ҳақда мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумот тарқатган. Хабарларга қўра, касалликка чалинган шахс Мадриддаги "Карлос III" шифонасиса рўйхатга олинган. Улим инфекциясини юқтирган Мануэл Гарсий Вьехо аввалроқ Сьерра-Леонда шифокор бўлиб ишлаб қайтган. У шу йилнинг 25 сентябрь куни Эбола вирусидан касалланиб вафот этган. Тарқатилган хабарларга қараганда, айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари касаллик тарқалиб кетмаслиги борисида барча зарур чораларни кўришмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қўра, ҳозиргача Эбола билан касалланганлар сони 3 минг 400 нафардан ошиб кетган. Африканинг Гвинея, Либерия ва Сьерра-Леонда 7 мингдан ортиқ касалликка чалиниш ҳолати аниқланган.

## Ким ўзарми?

**Жорий йил охирига қадар АҚШ нефть казиб олиш бўйича Саудия Арабистонини ортда қолдириши мумкин.**  
Бу ҳақда Лондонда чоп этиладиган "The Financial Times" газетаси Халқаро энергетика агентлиги хулосаларига асосланиб хабар қилган. Унда АҚШ жаҳондаги йирик нефть ишлаб чиқарувчи давлатга айланаётгани, жорий йилнинг июнь ва август ойларида икки давлат нефть ишлаб чиқариш ҳажми буйича 11,5 миллион баррель билан бир хил кўрсаткичга эга бўлган ҳақида сўз боради. Октябрь ва ноябрь ойидан бошлаб эса АҚШ кўрсаткичлари яна ошди, бу билан 1991 йилдан буён қайд этилмаган максимум кўрсаткичга эришиши ҳам таъкидланган. Маълумотларга қўра, сентябрь ойида АҚШда бир кеча-кундузда 8,87 миллион баррель хом нефть казиб олинди. Бу 2005 йилга нисбатан 5 миллион баррелга кўп. Шу йил охиригача бу кўрсаткич 9 миллион баррелга етиши кутилмоқда.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

### Реклама ўрнида



# "Микрокредитбанк" сармоялари

**хотин-қизларимиз ва коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда**

ри ҳамда фермер хўжаликлари энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi бошланғич сармоя микрокредитларидан фойдаланмоқдалар. Аёллар тадбиркорлиги, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлашга банк ўзининг устувор вазифалари сифатида қарайди. Сўнгги 10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробарга ошган бўлса, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқаришмоқда. Банк Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудига тадбиркорлик субъектларини иштирокида семинарлар ўтказишни доимий равишда йўлга қўйди. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг чекка туман, қишлоқ ва овулларида оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид ислохотлар юзасидан урғули, давра суҳбатлари, турли семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Масалан, энг олис ва чекка ҳудуд ҳисобланган Узун туманига борилганда, семинарлар туман марказида эмас, балки марказдан 50-80 қачирим олинса жойлашган «Хонжизза», «Боботог» каби маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ўтказилди. Шунингдек, бу каби урғулилар Жижзах вилояти Фориш тумани марказидан йироқда бўлган Гараша

қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига ҳам бўлиб ўтди. Улар тадбиркорлик борасидаги муҳим маълумотларга эга бўлишди. Бу каби семинарлар янги тадбиркорлик субъектини катта ишларга қўлириши учун асос бўлиши мумкин. Тижорат банклари томонидан бериладиган кредит ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун албатта гаров мулки талаб этилади. Бундай мулкнинг қиймати мураккаб баҳолаш ташкилот томонидан ҳисобланиши лозим бўлади. Кредит олишда кам таъминланган оилада юзага келадиган муаммолардан бири кредит учун таъминот яъни гаровга қўйилган нарсанинг мавжуд эмаслигидадир. Гуруҳ қафиллиги асосида кредитлаш ушбу муаммони ҳал этади. Лекин, бу йўналишда банк хизмати оқори эканлигини инобатга олган ҳолда, уларни кредит олгунга қадар билим салоҳиятларини ошириш, дунёқарашларини ўзгартириш лозим бўлади. Хусусан, ўзаро гуруҳ аъзолари қафиллиги асосида микрокредит ажратиш борисидаги ишлар Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилади. "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳанинг мақсади оддий қишлоқ аёлларининг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириб, даромад келтирадиган режалар тузишга, ўз бизнесини бошлаши ҳамда оиланинг иқтисодий аҳолини яхшилашига кўмак бери-

ришдир. Бу эса аёлларнинг жамият ҳаётидаги иқтисодий фаолигини янада орттиради. Биринчи босқичда Қонлиқул, Тошлоқ ва Қарши туманларида 174 та аёлга микрокредит ажратилган бўлса, иккинчи босқичда Юқори Чирчиқ, Фориш ҳамда Мирзаобод туманларининг 360 нафардан зиёд аёлларига имтиёзли бошланғич сармоялар гуруҳ аъзоларининг ўзаро қафиллиги асосида ажратилди. Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан аёллар, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма иш режаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, жорий йилнинг июнь ойида республикаимизнинг чекка ва чегара туманлари бўлимиш Нурота, Мўйноқ, Езёнов, Узун, Касби, Мингбулоқ ва Хонқанда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами" мавзусида тадбирлар ташкил этилди. Тадбирда жами 593 нафар битирувчи ёшларга бошланғич сармоя ажратилиши буйича сертификатлар топширилиб (шундан 333 таси қизлар), тивувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган 47 нафар қизга тивув машиналари тақдим этилди. Ўтказилган ушбу тадбир натижасида юқорида қайд этилган туманларда 628 та янги иш ўрни ташкил этиш, хусусан, 389 нафар бити-

рувчи қизни ишга жойлаш имконияти яратилди. Шунингдек, Дастурнинг 32-бандида "Қорақалпоқ аёлларининг иқтисодий билимларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, Тикозек, Бозатау, Мадели қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ҳудудларида истиқомат қилаётган 110 нафар аёлларнинг иқтисодий билимлари оширилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш лари учун барча шариоитлар яратиб берилди. Уларга жами 220 млн. сўм миқдорда ўзаро гуруҳ аъзолари қафиллиги асосида бошланғич сармоялар ажратилиши таъминланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Европа Иттифоқининг "Эқтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда иқтисодий ёрдам кўрсатиш имконияти кенгайтириш буйича янги дастурлар" қўшма лойиҳаси асосида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Қўча-Оқтепа, Қибрай туманидаги Зебунисо, Чирчиқ шаҳридаги Гулзор ҳамда Сирдарё туманидаги Фуқат ва Истикбол маҳаллаларида "Ахборот ойнаси" иш бошлади. Хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имконият ҳамда имтиёزلардан тўлиқ хабардор қилиш, уларга бизнес-режалар тайёрлаш, тегишли ташкилий, молиявий ва солиқ маълумотлари буйича керакли маслаҳатлар бериш, давлат ташкилотлари билан боғланишларига кўмак-

лаши, тадбиркорлик ва микрокредитлар буйича ўқув машғулотлари, давра суҳбатларини ташкил этиш "Ахборот ойнаси"нинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳа "Соғлом болаёйли" Давлат дастурининг 33-бандига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди ва "Микрокредитбанк" АТБ ҳамкорлигида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари туманларида ташкил этилган. "Ахборот ойнаси"ларида йил давомида 500 нафардан зиёд ишсиз аёллар ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти буйича ўқув дастурларига жалб этиш ҳамда уларнинг қамиди 120 нафарига бизнес лойиҳа ишлаб чиқиш, кам фоизли микрокредитлар олиш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий қўмак кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Ушбу жараёни амалга ошириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Микрокредитбанк" АТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартнома имзоланган. Юқорида номлари қайд этилган маҳаллаларда банк мутахассислари томонидан махсус семинарлар ташкил этилиб, бизнес-режа тузиш юзасидан дастлабки кўчма маълумотлар берилди ҳамда тайёрланган истиқболли лойиҳаларга имтиёзли микрокредитлар ажратилиши таъминланмоқда. Бу борада жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида ўзаро ёрдам гуруҳи қафиллиги асосида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Музробод, Қизирик, Қашқадарё вилоятининг Касби, Гузор, Яқабоб, Наманган вилоятининг Чуст, Мингбулоқ, Хоразм вилоятининг Қўшқўпир, Гулран, Бухоро вилоятининг Бухоро туманлари ҳамда Европа Иттифоқининг институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури дои-

расида Сирдарё, Қибрай, Чирчиқ ва Учтепа туманлари белгилаб олинди. Унга кам таъминланган, қўп болали, боқувчисини йўқотган ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларимиз жалб этилади. Лойиҳа доирасида уй ҳўжалигида, шахсий томорқаларда истисноналар ташкил этиш, паррандачилик, асаларчиликни ривожлантириш асосида қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва ўзларининг деҳқон хўжаликларини тузиш, миллий хўнараманчилик асосида ўз хонадонларига каштачилик, зардўзлик, бичиш-тиқиш, пазандачилик, болаларнинг миллий ўйинчоқларини ишлаб чиқариш, касаначиликнинг турли шакллари жорий этиш каби мақсадлар асосида аёлларимизни барқарор даромад манбаига эга бўлишлари мақсад қилиб қўйилган. Коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борисида 2014 йилнинг июнь ойида Нурота, Езёнов, Узун, Хонқа ва Мўйноқ туманларида "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами" мавзусидаги тадбирнинг иккинчи босқичи ҳам ташкил этилди. Натижада 418 та бошланғич сармоя ажратилиши буйича сертификатлар (уларнинг 277 таси қизлар) ҳамда тивувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган 35 нафар қизга тивув машиналари тақдим этилди. Ўтказилган бу каби тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган туманларда 453 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 315 таси коллежни битирган қизларимиз хисобига тўғри келади. **Икболжон ЙЎЛДОШАЛИЕВ**

Сайёхлик

## «Туризм ва санъатнинг ипак боғлами»

XX Тошкент халқаро сайёхлик ярмаркаси ана шундай шиор остида ўтказилди



Ҳар йили пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўрғазмалар мажмуида «Ипак йўлидаги туризм» халқаро сайёхлик ярмаркаси ўтказиб келинади. 6 октябрь кун «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёхлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида йиғирманчи мартаба ташкил этилаётган халқаро кўрғазма «Туризм ва санъатнинг ипак боғлами» деб номланди.

Мамлакатимиз ўзининг бой тарихи, жаҳон илм-фани ривожига қўшган бекиёс хиссаси, бир неча минг йиллик тарихий-маданӣ ёдгорликлари, буюк алломалари ва меҳмондўстлиги билан дунё ҳамжамиятини ўзига қаратиб келмоқда. Ўзбекистон сайёхлик кўлами ва тарихий қадамжоларининг кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакатдан бири ҳисобланади. Юртимизда етти мингдан ортқ тарихий ва маданӣ ёдгорликлар бўлиб, уларнинг кўпи ЮНЕСКО томонидан муҳофазат этиладиган тарихий масканлар қаторига киритилган.

Бугун туризм дунё иқтисодий-тининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Айни кунда мамлакатимизда 550 та сайёхлик компанияси - туроператори 110 та халқаро сайёхлик йўналиши бўйича юртимиз ва хорижий сайёхларга хизмат кўрсатади. Президенти

2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида «Ҳи Қарори ҳамда «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, худудларда туризм саноатини ривожлантириш, меҳмонхона, хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт-коммуникация тизимларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида янги дам олиш масканлари, сайёхлик йўналишлари ташкил қилинмоқда. Бунинг натижасида ўтган йили дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатидан 2 миллион 29 минг нафар сайёх қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг бугунги кўйи билан яқиндан таниши имконига эга бўлишди.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёхлик ярмаркаси мамлакатларнинг

Бухоро, Хива, Термиз каби бошқа қадимий шаҳарларингизда ҳам бўлишни режалаштирдик. Тошкент ярмаркаси доғруги йилдан-йилга ортиб бораётганини иштирокчи мамлакатларнинг кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Энг муҳими, юртимиздаги тинчлик, осийшталлик, халқингизнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигига ҳавасимиз келди. Буларнинг бари Ўзбекистонда туризм ривожланишига катта ёрдам беради.

Ярмарканинг «Ўзбекистон бўйлаб саёхат миллий павильони»дан мамлакатимиз сайёхлик салоҳиятига бағишланган кўрғазма ва стендлар орқали ҳар бир вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-меъморий обидалари, ҳунармандчилиги, табиати, меҳмонхона хизмати, урф-одати ва миллий таомлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, «Миллий таомлар фестивали», «Шарк бозори», «Хунармандлар шаҳри», «Туризм соҳасида ахборот технологиялари», «Меҳмонхона ва жойлашиш объеклари», «Транспорт хизматлари», «Гастрономик туризм», «Сугурта хизматлари» каби бўлимлари ҳам фестивал иштирокчиларида яши таасурот қолдирмоқда.

**Собир КАМОЛОВ,**  
«Ўзбектуризм» миллий компанияси Навоий минтақавий бўлими раҳбари:

— Вилотимизда мавжуд туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизмат турларининг сонини кўпайтириш, сифатини ошириш, вилотда туристик имкониятлардан унумли фойдаланиш, экологик ва агротуризм йўналишларини ривожлантириш

**Житендра ЖАДХАВ,**  
Ҳиндистон туризм вазири:

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Юртингизнинг бой тарихини акс эттирувчи ноёб ёдгорликлар, қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман. Мана энди уларни ўз кўзим билан кўриш шарафига муяссар бўлдим. Улар асраб-авайлангани, яши сақланаётгани, тарих, бой маданият, урф-одатларингиз келажак авлодга етказиб берилаётгани ҳар қанча эътироф ва таҳсинга лойиқ. Самарқанд,



(ЎА) олган суратлар.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Ҳаёт учун хавфли

Ботулизм — оғир токсикоинфекцион касаллик бўлиб, ботулотоксиннинг узунчоқ мия ва орқа миянинг холинэргик структураларининг зарарланиши ҳамда офталмоплектик ва бульбар синдромлар келиб чиқиши билан кечади.



Касалликнинг яширин даври 6-24 соат, камдан-кам ҳолларда 6-10 кунгача чўзилиши мумкин. Организмга қанча кўп токсин кирса, касалликнинг яширин даври шунча қисқа бўлади ва касаллик оғир кечади. Ботулизм кўпинча ўткир бошланади ва бир неча асосий белгилар инфекция токсик, диспептик, офталмоплектик, бульбар миеостеник белгилар билан кечади. Диспептик белгилари: беморда кўнгил айниш, қусиш, эпигастрал соҳада тортишувли оғриқлар, метеоризм, оғиз қуриши, кучли чанқаш каби кўринишда намён бўлади. Унинг эрта белгиларидан бири бу ютининг бузилишидир. Бундай пайтда бемор халқумида катта «кесақ» борлиги ва ютинаётганда оғриқ борлигидан шикоят қилади. Касалликни даволашда препаратларнинг салмоғи каттадир. Умумий заҳарланишга қарши гемодез, беш фоизли глюкоза, тузли эритмалар, плазма буюрилади. Кўзгатувчи спораларини меъда-ичак йўлида вегетатив шаклига ўтиш эҳтимол борлигини инобатга олиб, этиотроп даво сифатида левомецетин ёки тетрациклин препаратлари 7-8 кун мобайнида тавсия қилинади. Бемор касалхонага ётқизиблиб, барча зарур муолажалар қилинади. Ботулизмни даволагандан кўра олдин олган маъул. Аксарият ҳолларда касаллик ўй шароитида тайёрланган консерва ва дудланган маҳсулотлар истеъмолдан сўнг юзага келади. Шу боис, колбаса, консерва маҳсулотларини тайёрлаш, масалликларни тузлаш, қуриштиш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига жиддий эътибор бериш керак. Қопқоғи кўпчиган консерваларни истеъмол қилмаслик, уларни зудлик билан ташлаб юбориш лозим.

### БИЛАСИЗМИ?

Японияда туғилиш билан боғлиқ ўртача умр давомийлиги аёллар ўртасида 88,0, эркеклар ўртасида 81,1 ёшни ташкил қилади.

\*\*\*

Бутун дунё бўйича эса ўртача умр давомийлиги: аёллар ўртасида 69,0, эркеклар ўртасида 65,0 ёшдир.

### ТУРФА ОЛАМ

## Дунё шаҳарлари доғда

ЛОНДОН (БУЮК БРИТАНИЯ) ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТБАҲО ШАҲАРЛАР РЕЙТИНГИДА БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ.



Манбада келтирилишича, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун Туманли альбион пойтахтида яшаш ва ишлаш йил сайин қимматга тушмоқда. Бу сафар Лондон шу кунгача биринчиликини бермай келаётган Гонконг, ундан кейинги ўринларда турувчи Нью-Йорк ва Париж шаҳарларини доғда қолдирган. Ҳисоб-китобларга кўра, Англиянинг бош кентидеги уйлар ижараси йилига 73 800 фунт стерлингни ташкил қиларкан. Мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич мамлакат иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Вазият тез орада ўзгармаса Лондонда истиқомат қилиш оддий инсонлар учун ушалмас орзуга айланиб қолармиш.

## Ўлғизлар энди ўлғизмас

UNISARE КОМПАНИЯСИ ТОКИО ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН «УЙ ВА ПАРВАРИШ» ХАЛҚАРО КўРҒАЗМАСИДА ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР УЧУН МўЛЖАЛЛАНГАН МАҲСУС КУРСНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИШДИ.

Курсининг суянчиги икки «қўли» узун ва ҳамшиша табассум қилиб турувчи кўғирчоқ кўринишида ишланган. Ишланма муаллифларининг гапига қараганда, бундай курси қари я ра ни қувонтириб, ўзларини ёлғиз сезишларига йўл қўймайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу курси унга ўтирган одамни «қўллари» билан қучиб олади. Меҳрдан мосуво ёлғизлар учун бундай курси айти мудао. Қолаверса, уни ҳаракати чекланган инсонларга ҳам мослаштириш мумкин. Унинг яна бир афзал жиҳати, курсида ўтирган соҳибини «дорингизни ичиб олинг» ёхуд «овқатланиш вақти бўлди» каби сўзлар билан хотираси паршон инсонлар қилиши лозим бўлган ишларни ёдига солиб тураркан.



3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Музейда

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги Геология музейи экспонатлари намойиш этилаётган залларни айланар эканмиз, қалбимизда ажиб ғурури сездик. Дарҳақиқат, бу ерга қўйилган тошлар чинакам мўъжиза бўлиб, улар таркибиде Менделеев даврий жадвалидан ўрин олган жаммиқ унсурлар мавжуд.



— Мустақиллик йилларида юртимиз кенгликлариде мавжуд тошларни ўрганиш, уларни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди, - дейди Геология музейи раҳбари Аҳмадҷон Аҳмадҷошев. — Тошларимиз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамга остида дунё бозорига чиқарилмоқда. Қолаверса, бундай тошлар мамлакатимиз туризм салоҳиятининг ошишига ҳам ўз хиссасини қўшаётди.

Ҳақиқатдан ҳам юртимизда тошлар билан боғлиқ жойлар жуда кўп. Аждодларимиз бу номларни бежиз шундай аташмаган. Уларнинг ҳар бири теран маънога эга. Марказий Осиёдаги энг биринчи тошбитиклар ҳам айнан бизнинг ўлкамиздан топилган. Сурхондарёдаги Зараўтсой, Нуротадаги Сармиш-

## Ноёб тошлар — ноёб дурдона

сой, Фаллаоролдаги Такаташ расмлари, Самарқанддаги ҳаракатга келувчи харсанглар, Жиззахдаги Амир Темур дарвозаси ана шулар жумласидандир.

Аҳмадҷон ака музейдаги ҳар бир тошга таъриф ва тавсиф берад экан, бугунги кунда нодир минералларни ўз бағрида асраб ётган ана шундай тошларни асраб-авайлашимиз, уларни билиб-билмай қазиб олиш, айниқса, маиши мақсадларда ишлатишга йўл қўймайлик лозимлигини айтиб ўтди.

— Табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш зарур. Дейлик, дарё ичидан тошларни режасиз қазиб олаверсак, оқибати яхшиликка олиб келмайди. Энг аввало, бундан дарё ва булоқлар зарар кўради. Ҳар сафар Амир Темур дарвозаси олдидан ўтарканман қалбим ўртанади. Бу ерга келган келин-куёвлар, сайёхлар исмларини харсанг тошларга ўчмайдиган бўёқларда ёзиб кетишмоқда. Чўкичлар билан кўчириб расм солмоқдалар.

Сухбатдошимнинг сўзларини тинглаётиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Амир Файзуллага рассом Чингиз Аҳмадов айтган бир гап ёдимга тушди. У: "...тошларни кўраман десанг, унинг парчалаётган дамларини кузат. Шунда тош-

нинг асл ранги чекиниб, ботиний ранглари жамол кўрсата бошлайди. Уларнинг ранги минг хил! Уларни кўра олсанггина рассом бўласан", деган экан.

Ҳа, бизнинг тошларимиз чиндан-да шундай сержило, борлиқдаги барча рангларни ўзида жиллантира олади. Айниқса, ферузаранг тошларимизни айтмайсизми? Улар халқимиз амалии санъатида ҳам кенг қўлланилади. Бу каби тошларнинг инсон саломатлиги учун ҳам фойдаси бор. Улар буюмларнинг узок сақланишини таъминлайди. Кўрганларда эса эстетик дидни шакллантиради.

Музей раҳбари бизга ўтган йили Тошкент вилотининг Оҳангарон тумани Авжаз қишлоғидан топилган мамонтнинг жағ тишлари ва хартумини кўрсатди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тош асрига мансуб ушбу топилма бир қарашда тошни эслатади. Асрлар синовиға бардош берган бу топилма миллион йиллар давомида тупроқ остида ётса ҳамки, жуда яхши сақланибди. Бу она заминимизнинг сир-синоатга бойлигидан дарак беради. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Биз музей экспонатлари орасида тош даракларини ҳам учратдик. Бундан қарангки, табиатнинг ўзгариши натижасида яшиллик тошга ҳам кўчиб ўтган.



**ТАХИРИ ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ, Суван НАЖИДДИНОВ, Мухаммадҷон ҚУРОНОВ, Фабуружон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолитдин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Исमत ХУДОБЕРОВ  
ТАХИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1025, Адади — 6176. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД

Навбатчи: Умида УЗОҚОВА

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.10.

ISSN 2010-7714